

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМЎУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№96—97

(2516—2517)

1992 йил

21 ОКТЯБРЬ

ЧОРШАНБА

НАРХИ 4 СЎМ



Чирчиқ шаҳар ИИБ ҳайдовчиси, милиция сержанти Алимбек Шарипов сергак, тежамкор, халқпарвар ходимлардан биридир. У зиммасига юклатилган вазифани шараф

билан бажаришда ҳамкасбларига доим ўрнак бўлади.

Суратда: А. Шарипов.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ҲАҚИҚАТ УСТИВОРЛИГИ ТЕРГОВГА БОҒЛИҚ

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин, дейишади-ку... Газетамизда ҳозир амал қилинаётган қонунларимизнинг ўзига яраша камчиликлари борлиги ҳақида кўп ва кўп ёздик (ҳозирча амалий натижанинг дарағи чиқмай турган бўлса-да). Эндиги ният бу ва бошқа шунга ўхшаш масалалар ҳусусида мутахассиснинг фикрини билдириш эди. Хуллас, суҳбатдошим Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, тергов бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Исоқул Усмонов.

Яна бир гап, у киши ўттиз йилдан ортиқ тергов соҳасида ишлаган. Кўрииб турибдики, ҳамсуҳбатим айримлардек қонунчиликни фақат китобу газеталардангина ўқиб-ўрганмаган.

— Исоқул ака, кейинги йилларда жуда улкан ўзгаришлар содир бўлдики, шулар натижаси ўлароқ катта бир мамлакат тарқаб кетди. Ўзбекистон мустақил давлатга айланди, бунинг устига тузум ўзгармоқда, мезонлар алмашибди, энди қизиги шундаки, шунча ўзаришга қарамай ҳали ҳам ўша эски қонунлар амал қилиб келмоқда. Биз шу ҳолда, менинг назаримда, эски йўлдан, эски аравада янги кўшиқни кўйлаб бораётганга ўхшаймиз. Сиз мана шу қонунлар

билан ишлаб туриб, камчилик, етишмовчиликларни сезяпсизми? Умуман қанақа қийинчиликларга дуч келяпсизлар бу борада? Ахир биз йўқ давлатнинг қонун билан яшамокдамыз-ку.

— Хизматимизнинг бошқалардан фарқи шундаки, биз бевосита жиноят ва жиноят-процессуал мажмуалари билангина ишлаймиз. Ва улар адолатли ҳисобланиб келинган. Қолаверса, қотил ҳамма тузумда

ҳам, ҳамма даврда ҳам қотил. Ҳеч қаерда уни эркалатиб қўйишмайди. Қонунга асосланган актлар асосида иш олиб боровчи хизматларга ҳақиқатан ҳам қийин бўлмоқда. Боя сиз айтганингиз — ўзгаришлар, тузум уларга таъсир қилади. Барибир қонунга ўзгаришлар киритиш даркор. Биз бу борада Олий Кенгашга ўз тақлифларимизни берганмиз. Янги қонунни ишлаб чиқариш жараёнида шулар эътиборга олиниши керак, деб ўйлайман. Шунда қонунларимиз ҳаётга яқинроқ бўларди.

Яна шунга қўшиб ўтай, қанча ўзгаририлмасин, барибир ҳозирги принциплардан воз кечилмайди. Боя эслатиб ўтдим, бу қонунлар адолатли деб топилган.

(Давоми 3-бетда).

Мақсадимиз — халқ тинчлигини таъминлаш

16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигида тўққиз ойлик сарҳисоб натижалари юзасидан 28 та район ва шаҳар ички ишлар бўлиmlари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Шунга қайд қилиш керакки, ушбу ҳудудларда ўтган тўққиз ой мобайнида жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноят-қидирув, иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш ва бошқа тармоқлар бўйича кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Йиғилишни республика ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, милиция генерал-майори Р. Раҳимов очди ва республикадаги мавжуд вазиятни қисқача шарҳлаб берди. Қўшни давлатлар билан туташган чегараларда олиб борилаётган ишлар билан сиртдан таништирди.

— Шундай қийин дамларда, — деди вазир ўринбосари, — Президент томонидан бизга катта ёрдам кўрсатилмоқда. Бир неча ўнлаб янги штатлар очилляпти. Бунга жавобан биз қандай ишларни амалга оширяпмиз? Бажараётган ишларимиз қониярлими?

Ҳозирги иқтисодий танглик даврида натижанинг пасайишига асло йўл қўйиш мумкин эмас.

Шундан сўнг сўзга чиққан ИИБ иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг бошлиғи, милиция подполковниги С. Тахтин иқтисодий жиноятчиликнинг бир қатор район ва шаҳарларда ўсиб кетганлигини алоҳида қайд қилиб

ўтди. Жумладан, Жиззах вилоятининг Пахтакор райони ички ишлар бўлимида масъулиятсизлик йўлига ўтиб олинган. Савдо соҳасида тартибсизликларга йўл қўйилган. Шунингдек, Хоразм вилоятининг Урганч, Жиззах вилоятининг Арнасой, Бухоро вилоятининг Шофиркон район ИИБларида ҳам вазият кўнгилдагидек эмас.

Иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўйича Навоий вилоятининг Хатирчи райони ички ишлар бўлими сўнгги ўринда бормоқда.

Очилмай қолган жиноятлар Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри, Фарғона водийси, Қорақалпоғистон Республикасида катта миқдорни ташкил этади. Бу ҳақда жиноят қидирув, уюшган жиноятчилик ва коррупция билан кураш бош бошқармасининг бошлиғи милиция полковниги Г. Топматов гапирди.

Йиғилиш кескин танқид руҳида ўтди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Чунки республика ички ишлар вазирлигининг олий ва яққо ягона мақсади — халқ тинчини, осойишталигини таъминлаш. Бу йўлда эса совуққонликка, масъулиятсизликка ўрин бўлмаслиги керак.

Йиғилиш сўнггида белгиланган барча чоратadbirlar ИИБ ҳайъатига кўриб чиқиш учун топширилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ.

БУГУНГИ СОНДА

2-БЕТ: “ЖАСОРАТНИНГ УМРИ МАНГУДИР”
ЎЗБЕКИСТОН МИЛИЦИЯСИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИГА

3-БЕТ: КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИ — МУҲО-
КАМАДА

4-БЕТ: “МУАММОНИ КИМ ЕЧАДИ?”

5-БЕТ: “ЖОН ТАЛАШ, ХОТИН ТАЛАШ”

6-БЕТ: ҲАФТАЛИК ДАСТУР

“ЗАНГОРИ ЭКРАНДА”

7-БЕТ: ИНТЕРМЕДИЯЛАР

ЧОРШАНБАДАН

ЧОРШАНБАГАЧА

ҚОТИЛ ҲИБСАДА

Қибрай районининг Янгиобод маҳалласида истиқомат қилувчи А. Ж. қўшниси А. А. билан жанжаллашиб, пичоқлаб қўйди. А. А. касалхонага етмай жон берди. Қотил ҳибсга олинди.

КЕЙИНГИ КЎНГИЛСИЗЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНДИ

Фарғона пахта тозалаш заводи ишчиси Х. О. хотини ва қайнонаси ҳаётига зомин бўлди. Бу нохуш хабарни эшитган марҳуманинг қариндoш-уруғлари Х. О.нинг уйини ёндириб юборишга ҳаракат қилишди. Бироқ ИИБ ходимлари бу кўнгилсизликнинг олдини олишди.

ЁТОҚХОНАДАГИ ҚАБОҲАТ

Уч нафар номаълум шахс тунда Андижон ип-газлама комбинатининг ишчилари истиқомат қиладиган 88-ётоқхонага киришиб, А. А. ва С. Б.ни зўрлашган. Улар қидирилмоқда.

ЖАНГОВАР ГРАНАТАЛИ ВРАЧ

Урганч шаҳрида ўтказилган “Тун” операцияси пайтида Қўшқўпир районидаги “Ит-тифоқ” жамоа хўжалигида яшовчи, шу район шифохонаси врачлари А. Р. ҳамда “Ритм” ширкати ишчиси В. К. ушланиб, милиция идорасига келтирилди. Гап шундаки, тинтув пайтида Р.нинг ёнидан “Ф-1” белгили жанговар граната ва 41727 сўм пул, К.нинг чўнтагидан эса 1 грамм “қорадори” ҳамда 16880 сўм нақд пул чиқди. Уларнинг устидан жиноий иш кўзгатилади.

СУИҚАСД САБАБЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Чирчиқ шаҳридаги Поточная кўча, 21-уйда истиқомат қилиб келган, ҳеч қаерда ишламайдиган Д. А. уйида ўзини ўзи осиб ўлдирди. Суиқасд сабаблари аниқланмоқда.

ТЎҚНАШУВ

Жиззах — Гагарин йўлининг 54-чақиримида бахтсизлик рўй

берди. Ф. Х. бошқарувидаги “ВАЗ-2121” белгили ДДА 07-01 рақамли автомашина Н. Д. бошқарувидаги “ВАЗ-21011” белгили ДД 56 041 рақамли автомашина билан тўқнашиб кетди. Натижада иккала автомашина ҳайдовчилари ўша заҳоти ҳалок бўлишди. Н. Д. автомашинасида келаётган уч нафар йўловчи тан жароҳати билан касалхонага ётқизилди.

ҚОТИЛ ЭР

Навоий шаҳридаги 2-таъмирлаш-монтаж бошқармаси таъмирловчиси Х. М. уйда рашк туфайли хотинини сўйиб қўйди. У ҳозир тутқунликда.

ТОМТЕШАРЛАР ИЗЛАНМОҚДА

Бухородаги “Тим-Абдул-лохон” дўконининг томини тунда ўғрилар бузиб, 100000 сўмлик қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетишди.

Томтешарлар изланмоқда.

ЦИСТЕРНАДАГИ ЎҒИРЛИК

Фарғона вилоятининг Охун-бобоев станциясидан Самарқандга келтирилган цистернани текширув пайтида 101 минг 213 сўмлик, яъни 10055 килограмм ёқилги камлиги аниқланди. Суриштирув ишлари олиб бoрилмоқда.

НАФС БАЛОСИ

Ургут районининг Тойлоқ кўрғонида истиқомат қилувчи З. Ж. қўлини совуқ сувга урмай бойлик орттирмоқчи бўлди. Бироқ нафс балоси уни темир панжара ортига улоқтириб юборди. Гап шундаки, у 4 килою 500 грамм кўкнор пўчоғи ва 150 грамм нашани 10500 сўмга пуллаётганда, вилоят ИИБнинг ЖҚБ ходимлари томонидан қўлга олинди.

ЛИФТДАГИ ТАЖОВУЗ

Чилонзор районидаги 56-уйнинг лифтида номаълум шахс куппа-кундузи Гулистон даҳасида истиқомат қилувчи, 1987 йилда туғилган Ф. Ж.нинг номусига тажовуз қилди. Палид изига тушилди.

Т. МУРОДОВ.

Ўзбекистон милициясининг 75 йиллигига

Ўтган йиллар давомида қанчадан-қанча навқирон йигитлар — милициямизнинг жонқуяр ходимлари эл осоишталиги йўлида жонларини фидо қилдилар. Уларни халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

Бугун газетамизда эълон қилинаётган лавҳалар уларнинг порлоқ хотираларига яна бир таъзим деб тушунасиз, азиз муштарийлар.

ТОШКЕНТ АЙЛАНМА ЙЎЛИДА

Пойтахтимиздан чиқиб, Чимкент томонга бурилиш ерида Давлат автомобиль назоратининг мўъжаз пости жойлашганлигини кўпчилик билади. Аслида-ку бундан буён ана шу жойга "Уч қаҳрамон" деган ном берилса, айна мундоқ бўларди...

...1988 йилнинг 16 юни. Соат тўрт ярим. Постдагилар тун бўйи мижжа қоқишмаган. Чунки бу йўлда машина қатнови сира тўхтамайди ҳисоб. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларига тегишли, Тожикистон-у Қирғизистондан келган оғир-у енгил машиналар одатдагидек кўп бўлди. Қозғистон белгилари билан келиб-кетган машиналарнинг-ку, саногиям, адоғиям йўқ.

Тонгда эсан шабада одамга жуда хуш ёқади. Энг муҳими, хушёр тортиради... Йўл соқчиларининг бири ташқарида, иккинчиси қанақадир ҳужжат тўлдирётган, учинчиси эса рация орқали сўзлашаётган пайтда тўс-тўполон бошланиб қолди. Ўқ овозлари оламни тугди.

...Харбийдаги жиноятлари учун муқаддам судланган С. Н. Сорокин (1962 йилда туғилган) шериги Р. Н. Пономарев билан биргаликда (1959 йили туғилган, наставандлиги учун олдин судланган) бор қуроллари ёнига яна қурол қўшиб мақсадида ДАН

постиға ҳужум уюштиришган эди. Улар билан олишув чоғида милиция старшиналари Олимжон Солиевич Асқаров ва Гасан ўғли Муса Гашимовлар қаҳрамонларча ҳалок бўлишди. Дўппи тор келиб қолгандан кейин қочиб яширинишга уринган жиноятчилардан бирини қувиб кетаётганда эса милиция катта лейтенанти Маткарим Саъдуллаевич Матчонов ҳам уч-тўрт ўқ еб, охири кулади. Яраси оғир экан, шифохонада оламдан кўз юмди.

Қаҳрамонларнинг учалови ҳам "Қизил Юлдуз" орденига муносиб деб топилдилар. Афсуски, вафотларидан сўнг...

Жиноятчилар-чи, дерсиз? Бу ёғи маълум: қилмиш-қидирмиш...

ЁНГАН ЮРАК НОЛАСИ

Набижон Қозқобоевич Айдузов ўттизга бормай дунёдан ўтди. "Юраги доим ёниб юрар эди", — деб хотирлашди уни ҳамкасблари. Ноҳақликни қарангки, ҳамма ҳавас қилса арзийдиган ана шу хислати унинг бошига етди...

Ҳаётдаги аравасини тинчгина гилдиратиб юраверса бўларди. Аммо сираям шундай қилгиси келмасди. "Ҳаёт жўшқин. Унда яхшилар кўп-у, ёмонлар ҳам йўқ эмас-да, — ўйларди у. — Ёмонларни эса ниятларига етказмаслик керак".

У ўрта махсус маълумотли бўлгач, 1990 йилнинг август ойида

ЖАСОРАТНИНГ УМРИ МАНГУДИР

Шайхонтоҳур районидаги корхона ҳисобига ташкил этилган муниципал ротага ишга кирди. Вазифаларини аъло даражада ўтаб келаётгудди.

1992 йил 7 апрель куни кеч соат ўнларда "Чорсу" меҳмонхонасининг марказий эшиги олдида уч-тўрт йигитнинг ваҳдат билан жанжаллашиб турганлигининг устидан чиқади. Уларни инсофга қақришга уринади, бўлмайди. Охири мажбур бўлиб, куч ишлатиб ажратишга киришади — чунки давра қозониға солинган ёр обдон қизиб улгурган ва уларнинг ўзаро муштлашуви бошланган эди-да.

— Хўв, акаси, овора бўлма. Бизга бирибир бас келолмайсан, — деган бўғик овоз эшитилди.

— Нима бўлганда ҳам қон тўкилишига йўл қўймайман, — деди қатъий оҳангда милиция кичик сержанти.

— Шундайми?

— Ҳа, шундай.

— Унда ўзининг қонингни тўка...

Набижоннинг қорнига пичоқ санчилди. Тирқираб қон чиқди. Ярасини чангаллаганча, ёнган юрак соҳиби нола қилди:

— Барака топгур йигитлар, бас қилинглр энди — бошқаларнинг ҳам қонини тўкманглр...

1-шаҳар шифохонасида унинг жони узилди...

Н. Қ. Айдузов "Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун" медалига тақдим этилган.

ТУНГИ ТУГУН

Бу икки йигитнинг ёшлари орасидаги фарқ атиги бир йилгина эди: Виктор Андреевич Жердочкин 1948, Эргаш Раҳматович Зиёдов эса 1949 йили туғилганлики. Милицияга ишга келганликларидидаги фарқ ҳам бир йил. Виктор 1970, Эргаш 1971

йилда Миробод (эски Ленин) райони ички ишлар бўлимининг соқчилик бўлинмасига қабул қилинди. Бири оддий милиционер, иккинчиси милиция кичик сержанти эди.

1971 йил 20 июль тонготарига яқин палла. В. Жердочкин билан Э. Зиёдов биргаликда тунги навбатчиликда эдилар. Бирдан улар тугун кўтарган кишини кўриб қолишди.

— Виктор, — деди Эргаш, — у меҳмондан кўра ўғрига кўпроқ ўхшайди-ёв.

Аслида Виктор ҳам шу фикрда эди. Икковлон нотиниш одамнинг изига тушишди. Қақришганди, тўхтамади. Аксинча, қадамни илдамлатди. Кейин югура бошлади. "Демак, жиноятчи".

Тахмин тўғри чиқди. Милиционерлар етиб келганда, у қўйнидан тўппонча чиқарди-ю бир йўла икки марта ўқ узиб, аввал Эргашни ўлдирди. Жиноятчи билан яккама-якка қолган Виктор ҳам бешта ўқ егандан кейин ерга кулади. Шу кўйи кўз очмади...

Ҳар икки милиционер тирик қолганда "Қизил Юлдуз" ордени буй-бастларига, нурафшон чехраларига хўп ярашган бўларди.

"БИРИНЧИ АПРЕЛЬ ҲАЗИЛИМИ?"

1978 йил 1 апрель куни эрталаб Яккасарой (эски Фрунзе) райони ички ишлар бўлимига келган ходимлар шум хабарни эшитдилар-у аммо ҳеч кимнинг бунга ишонгиси келмасди. Ҳамма ич-ичидан зил кетди, бари бир умид билан сўрашарди:

"Биринчи апрель ҳазилими бу, шунақами?"

Милиция катта сержанти, соқчилар бўлинмасининг бошлиғи Мирасқар Обидович Мирзасев

тунда ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабар эса асло ҳазил эмас, чин ҳақиқат эди.

...Шота Руставели кўчаси бўйлаб Бобур номли истироҳат боғи тарафдан "Россия" меҳмонхонаси томон келаётган кавалери мотоциклда икки нафар милиция ходими ўтирганини кўрган тунги шарпалар қоронғулик қаърига кириб, ғойиб бўлишга шошилиб қолишди. Милициядан қочдимми, бу бежиз эмас.

Мирасқар дарҳол мотоцикл рулини Ўзбекистон пахта тозалаш саноати учун қурилатган маъмурий бино томонга бурдирди. Чунки шарпаларнинг бири шу қурилиш майдониға кириб кетган эди.

Ҳали битмаган бинога яқинлашгач, мотоциклдан сакраб тушди-да, шеригига иккинчи шарпа ортидан қувишни тайинлаб, ишга киришди. Эҳтиёткорлик билан қоп-қоронғи ерлардан эсон-омон ўтди. Мана шу ёруғлик тушиб турган жойдан ҳам ўтиб олса бўлгани. Қидириб келаётгани шу атрофда, узокдамас.

Ёруғликка чиққанини билади, ўқ овози эшитилди. Биринчиси шундоққина яқиндан визилаб учиб ўтди. Иккинчиси эса... Кўкрагидан оғир яраланганига қарамай, яна етмиш қадамлар чамаси жиноятчининг изидан қувди. Охири ҳолдан тойдди. Қон кўп кетган эди. Боши гувиллаб, борлиқ гир-гир айлана бошлади. Нафаси тикилди. Муздеккина ерга боши текканини сезиши ҳаётдаги сўнгги туйғуси бўлди.

У эндигина йигирма саккизинчи баҳорни қаршилаган эди. Вафотидан кейин "Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизматлари учун" медали билан тақдирланди. Шарпалар ҳам ҳибса олинди. Улар катта ўғирликни мўлжаллашган экан...

Афюн таъсирини қадимдан билишган, шубҳасиз. Геродотнинг массагетлар қабиласи турмуши ҳақида ёзган куйидаги парчаси бунга мисолдир: "Улар буталар енида ўтиришиб, гулханга меваларини ташлашарди ва ундан таралаётган дуддан кайф олишарди".

Нашанинг истеъмол қилиниши ҳақида эса қадимги грек, хитой ва хинд кўлемларида маълумотлар берилган.

Агарда Оврупо мамлакатларида одамларнинг гиёҳванд ёрдамида ўз-ўзини ихтиёрий "жинни" қилаётгани 300 йил олдин жиддий ҳавотир туғдирган бўлса, бугунги кунда бутун дундагон ушбу хатарни йўқотиш ташвишида.

Айтиш мумкинки, гиёҳвандлик жуда тез оммалашиб кетди. Собик советлар мамлакатининг "Социалистик жамиятга наркомания, токсикомания бегона бўлиб, улар капиталистик давлатларига хос", деган ақидасининг ўзи унинг кенгрок тарқалишига озми-кўпми хизмат қилди. Бинобарин биз онгимизга ушбу ёлгонни зўрлаб синдириш билан банд бўлган вақтда, чириётган капитализм жаҳон аҳлини бирлашиб унга қарши курашга қақраётган, турли қарши воситалар ишлаб чиқараётган эди (амалда мамлакатимиз бу курашдан сунъий равишда неча ўн йиллар орқада қолди. Негаки, кўр-кўрона йўқ дейилган нараса билан ошқора курашиб бўлмасди). Кейин у бўй-баста билан ўзини намоён қилгач, бирданига уни "гарбдан кириб келган" деб аюханнос солишга ўтдик.

Чиндан ҳам гиёҳвандлик бизга гарбдан кириб келганми?

Машхур рус психиатри В. Гиляровский "Ўруш ва революцияда олинган кўплаб оғир жароҳатлар, азоб-оғриқлар ярадорларнинг морфий ва бошқа наркотик моддаларга оммавий ружу қўйишига сабаб бўлди", — деб ёзганди (бунда у маънавий оғриқларни ҳам назарда тутган бўлса ажабмас). Бу гапда жон бор, албатта. Мабодо тарихимизда нигоҳ ташлаб, юртимиздаги қиргин-баротларни эслайдиган кўпмас... Тарихий шажарамиз қайсидир катта-кичикки урушлар қатнашчиси авлодига бориб тақаллиш беғумон. Агарда нафақат иккидор ва иштиёқ мойиллик ва шайдоликнинг ҳам ирсий ўтишини ҳисобга олсак, изоҳга ҳожаат қолмайди.

Ҳали айтганимдай В. Гиляровскийнинг гапда жон бор. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки,



инсон ақл-заковати дунё яралибдики, шахснинг маънавий ва жисмоний баркамоллигига тўсқинлик қилувчи барча унсурларни инкор этиб келган. Аммо ҳануз баркамоллигига эришмаган.

Бугунга нисбатан анча маданияшлаган (ҳар ҳолда биз шундай ўйлаймиз), кунимизда замонавий гиёҳвандларимизни бунга нима мажбур этмоқда?

— Йил бошидан 767 нафар гиёҳванд шахслар аниқланди. Шулардан 524 кишига нисбатан жинорий иш қўзғатилди. 47 шахс наркотик модда сотганини учун жавобгарликка тортилди, — дейди Тошкент шаҳар ИИБ ЖКБнинг гиёҳвандликка қарши кураш бўлимининг бошлиқ ўринбосари, милиция майори Тохир Абдусатторов. — Наркоманларнинг ўртача еши 18дан 26гачадир. Бироқ уларнинг сафлари тобора ешариб борапти ва бу жиддий ўйлашимизни тақозо этади.

Ҳа, бошқарма ходимлари курашмоқда. Бу борада "Қорадори-92" тадбири муваффақиятли амалга оширилмоқда. Яқинда Яккасарой районида фаолият кўрсатаётган гиёҳвандлик ўчоғига барҳам берилиши бунинг яққол мисолидир. Уй эгаси 1960 йилда туғилган Н. Шипонтевнигиға шубҳали шахслар тез-тез келиб туриши ва гайритабиий аҳволда чиқиб кетишлари кўни-кўшнилариинг назаридан қочмади. Николайнинг ҳеч қаерда ишламай оёқ узатиб яшаши ҳам галати эди.

Бўлим ходимлари хонадонга киришганларида 1968 йилда туғилган Е. Нигматова, 1962 йилда туғилган илгари гиёҳванд сақлагани учун судланган Р. Кавурдаков, 1964 йилда туғилган Р. Ғозиев, муқаддам судланган А. Чеботарев, Н. Штарковлар чордона қуриб, навбатманавбат "заҳар"ни тортишарди. Хонани енгил туман қоплаган, ўртадаги нина ва шприцлар гира-шира кўриниб турарди. Улар ҳадеганда гап

нимадалигини тушуна олишмади. Арши-аълодан ерга тушишлари учун анча вақт керак бўлди. Бўлимга келтирилгач эса нағмалари бошланди.

Бирида "синиш" — ўзини ҳар енга урган, бири оғзидан кўпик сачратиб ерга думалаган, бақирган, қақирган. Мундоқ битта — "дори" олиш. Уларнинг ихтиёрсиз ва инсонга, на ҳайвонга қийслагудек қилиқларини кўриб, эсиз, шундай умр, деворади киши. Қани энди мана шу аросатдагилар бунинг фаҳмига борсалар. Йўқ, ҳеч қачон боришмайди ҳам.

1954 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган Геннадий Захаров яшайдан нолимайди. Егани олдида. Емаганини энди ейди. Суддан кейин. Геннадий 8 кило наша билан кўлга тушди-ю бармоғини тишлаб қолди.

Оғу кимларга аталган эди? Буни тергов аниқлайди.

Маълумки, ярим чимдим наша билан бошлаган кимса оғу микдорини тобора оширишга мажбур. Кунига бир маҳал "тортган" кейинчалик икки, уч такрорига ўтади. Бора-бора сурункали қафта ўрганиб, кучлироғини тусайди. Эҳтиёжни қондириш моддий таъминотни яратишга мажбур этади. Моддий таъминот эса молиявий чиқимсиз думини тутказмайди (бир грамм 350-400дан 500 сўмгача туришини ҳисобга олсак, аҳвол ойдинлашади). Кунига бўлмасин, кунора нақд шунча пулни қаердан олади? Истайдими, йўқми жиноятга кўл уришга мажбур. Нега? Негаки гиёҳвандлик касали бу пайтда жисм қалъасини заифлаштириб, маънавий низоли тагига шўр сув қуйган, жисмоний нураш ақлий емирилиш билан уйкашиб, аъзон-баданга ваҳшийлик, тубанлик ўрмалаётган бўлади.

— Маълумки, жиноят катта-кичикка бўлимайди. Лекин боши ва охири муқаррар. Аввал бошда ана шу "дори"тағина етарли пул ишламоқни ният қилган шахс ўғри, босқинчи,

котил даражасигача чиқиши мумкин. — Мабодо жиноятчиларнинг 95 фоизи наркотик таъсирда жиноятга кўл уради, десам янглишмайман, — суҳбатни улайди Т. Абдусатторов.

Унинг гапи ўринали. Лекин бу фикрни тасдиқлаш учун айрим нарсаларни кўрсатиб ўтиш лозим. Чунончи, наркологик диспансернинг фақат пойтахтда мавжудлигинигина, эслатиш ҳам муҳимдир. Вилоят районларида ушланган жиноятчиларнинг ҳар доим Тошкентга "айлантиргани" олиб келишга имкон йўқ. Агарда шундай имконият яратилганда эди, эҳтимол бу кўрсаткич ундан ҳам ошармиди. Қолаверса, жиноят устида кўлга тушганнинг наркотик таъсирдаими еки йўқлиги кўп нарсани ўзгартирмайди. Қилган иши нақд бўлгач, бунисига оворагарчилик не даркор. Кафтдек қозоғга шунча чиқим. Аслида-ку жойларда лоақал бир неча яқин районларга битта шундай диспансер бўлса ёмон бўлмасди. Унда яширин (аноним) бўлим ҳам ишласа янада яхши.

Жиноятчи бошқа гап. Энди жиноят қилмай шундай ўзича тарик чекиб юрувчини нима қилиш керак? Агарда унинг биринчи чекиши бўлса, жарима тўлайдию чиқиб кетаверади. Иккинчи чекиши бўлса, жинорий иш қўзғатилади. Сурункали гиёҳванд бўлса-нарккодиспансерда шундай ташхис қўйилган тақдирда суд уни мажбурий даволашга ҳукм қилади.

Энди бир нарасга аниқлик киритсак. Гиёҳвандлик нима? Касалликми? Жинорий кўринишми?

Касаллик бўлса уни даволаш, умуман касалликка қарши курашш масъулиятини тиббий ходимларга юклатиш зарур. Жинорий кўриниш бўлса, ҳуқуқ-тартибот идоралари шугуллансин. Аммо савол шундай қўндаланг қўйилиши ҳамоноқ кўплаб чалкашликлар келиб чиқади. Масалан, жиноятчи-гиёҳванд мажбурий даволанишга ҳукм қилинди. Жиноятчи-чи? Ҳали гиёҳванд даражасига етмаган "чекувчи" қамалди. Касали-чи? У еқларда кайфнинг хумори тутмасмикан? Мабуслар орасида фақат умикан наша мазасини билладиган? Наша чеккани еки енидан чиққани учун қамалган одам турли жиноятлари учун ўтирганлар таъсиридан ўзини асрай олармикан? Улардан "касб" ўрганмаслигига ишониш қийин-ов. Озодликка чиқди ҳам дейлик. Тагин ўша "маза" хумори

тутиб, устига-устак ўрганларни қўшилиб анча малакали жиноятчиға айланмайдими?

Эҳтимол ироданинг бўшлиғи ҳам бош сабаларидан бири десак-чи? Бироқ ушбу ҳолда иродасизларнинг кундан-кунга кўпайиб, ижтимоий хавфни қучайтираётганини яна ўша ирсий касалликка боғлаймизми?

Хуллас, бу мавзуга қанча чуқур кириб бораверсак, шунча муаммоларга дуч келаверамиз.

— Наркотиклар билан боғлиқ гайриқонунийликларни ҳозиргача назорат қилишнинг иложи бўлса-да, келажакда аҳвол кескин ўзгариши мумкин, — дейилади БМТнинг наркотикларни назорат қилиш экспертлари гуруҳи томонидан тайерланган маърузасида. — Ишсизлик, қашшоқлик, гарб турмуш тарзига сизиниш, бизнеснинг ривожланиши гиёҳвандлик савдоси ва унинг истеъмолнинг кенгайишига олиб келади (We — "Мы" газети, № 10).

Республикамиз мазкур курашдан четда қолмади. Бироқ бу хатар билан курашишда барча воситаларга эгамизми?

Биргина шаҳар ИИБ миқеида олар бўлсак, Бектемир, Сирғали, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур ИИБларида гиёҳвандликка қарши курашувчи бир нафардан ходим ажратилган. Уларнинг ихтисослашган-ихтисослашмаганлиги ҳақида фикр билдиришдан тийилганимиз. Гиёҳванд моддаларни тез ва соз текшириш, уларнинг аниқ турларини кўрсатиш ҳам анча мураккаблиғи сир эмас. Шу ўринда замонавий нашахўрларнинг кайф олишининг турли кимевий усулларини излаб топаётганликларини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Жамият наркоманиянинг СПИД ва рак сингари бедаво эканлигини аллақачон тушуноғи керак. Бирон бир гиёҳванд йўқки, бу дарддан фориг бўлишни истамаган. Аммо минг афсусларким, унинг бакувват турлари ҳеч кимсани осонликча қўйиб юбормайди. Ундан бош оққан томонга қочиш мумкин, лекин қутулиш мумкин эмас.

Шундай экан одамлар, ен-верингиздагилардан огоҳ бўлинг! Ўз вақтида уларни жаҳаннам оғзидан қайтариб! Шундоқ ҳам берилган қисқа ҳаётни, майли у биронки бўлсин, заҳарлашдан асрайлик. Ваҳоланки, одамнинг одамга яхшилиғи бундан ортиқ бўлмас.

Нур Бади

ҲАҚИҚАТ УСТИВОРЛИГИ ТЕРГОВГА БОҒЛИҚ

(Боши 1-бетда)

Адоллати, деганингизда бир савол ёдга тушади-да. Қонунда «ёки» деган гап керагидан ҳам ортиқчароқ эмасмикин?

— Буни бизнинг тилда «альтернатива» дейишади. Мен умуман шунга қаршиман. Жазо ҳамма учун бир хил бўлиши керак. Аниқ жиноятга аниқ жазо берилсин. Жиноят қилаётган пайтда ҳеч ким кексаю ёшлиги, бола-чақасини ўйламовди. Бугун судда ёдлаб қолди... Жазонинг бу ҳолда тайин қилиниши яхшилик учун хизмат қилмайди. Бу ҳалқнинг ҳуқуқ ҳимоячиларига, судга нисбатан меҳрини ҳам орттирмайди, балки аксинча. Менинг ҳамфикрларим кўпчиликини ташкил қилади. Адвокатлар, судлар, бошқа жойларда ишлайдиган ҳуқуқшуносларнинг айримлари «альтернатива»ни ёқлаб чиқиши мумкин. Бир жиҳатдан уларни тушуниш мумкин. Биргина адвокатларни олинг, улар жиноятчининг жазосини пасайтириб беришса, обрў-этиборлари ошади, умуман уларнинг иши кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

— Исокул ака, биласиз, ҳозир амал қилаётган жазоларимиз аксарият гарбники. Бу қанчалик эриш туғулмасин, шундай. Сиз энди шунини ўзгартиришга, айтилаик, тан жазоси беришга қандай қарайсиз? Кейин ўғрино-казобни халқ кўзидан панада яшириб ўтиришдан фойда чиқармикин?

— Очиқ айтишим керак, бунақа фикрлар тарафдори эмасман. Айниқса, ҳукми омма олдига ижро этишга. Сиз билан биз ўтмишда бунақа ижролар қандай натижалар берганини билмаймиз-ку, тўғрими? Китоблардан ўқиганимиз, киноларда кўрганимиз, шу ҳолос. Лекин ҳаётда қандай бўлган, одамларга бунинг таъсири қанақа эди, билмаймиз. Ваҳший-лик фақат ваҳшийликнигина тугдиради, меҳрни эмас. Дейлик, олий жазо халқ кўз ўнгига ижро этиладиган бўлса, одамлар бир марта, икки марта ҳайиқиши мумкин, кейин дийдалари қотиб кетади. Аслида шундан ёмони йўқ. Қолаверса, ўлим деганда одамлар нимани англаши, тасаввур қилишини ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Бу ижро билан биз халқни руҳан ўзгартириб юборишимиз мумкин. Айтилаик, одам ўлдирилишини кўравериб кўзи пишган киши олдин душманини уриб тишини синдирадиган бўлса, энди ўлдириб кўя қолади. Чунки, унинг назарида бу унчалик ҳам оғир гуноҳ ва қийин иш бўлмай қолади. Шунинг назардан қочирмаслик керак. Бундай ижро

маҳалида халқнинг асосий эътибори аини чоғдаги ҳолат — одамнинг одам томонидан ўлдирилишига қаратилади. Бундай пайтда унинг адолатли, қонуний ижро этилишининг аҳамияти йўқ. Қонунийми, қонуниймасми, қотиллик барибир қотилликда. Унинг таъсири яхши томонга бўлмайди...

— Кўп эшитамиз, милиционерлар суднинг ҳукмидан норози бўлиб юришади: улар ўлиб-тирилиб жиноятчини тутиб келинадию, суд енгил-елли жазолаб қўя қолади. Кекса тергов ходими сифатида сиз бунга қандай қарайсиз?

— Бу боя берган саволларингизнинг бевосита давоми, аслида. Айтиш керак, судьялар ҳеч қачон қонундан чиқиб иш кўришмайди. Ҳар қандай ҳукми ҳам қонунни бузмай чиқаришади. Мана, ўғрилиқни олинг, уч ойдан беш йилгача жазо бор. Судья шундан хоҳлагани билан жазолаши мумкин ўғрини.

Бундан ташқари жиноят мажмуасида 42-модда бор. Унда ёзилишича, судья қонунда кўрсатилган энг паст жазодан ҳам пастроғини тайинлаш ҳуқуқига эга. Қонундан айнан мана шунга ўхшаш моддаларни бутунлай олиб ташлаш керак. Шу билан бирга жиноят-процессуал мажмуасини ҳам майда-чуйдалардан тозалаб, халқро ҳуқуқ нормалари асосида қайта ёзиш лозим.

— Демак, бу ҳамманинг умумий муаммоси. Шахсан ўларингизни суд билан муаммоларингиз қандай кечмоқда?

— Кўз тегмасин, ҳозир бир-биримизни жуда яхши тушуна бошладик. Тушуниш қайси маънодаки, бизнинг жиний ишга берган баҳоми билан уларнинг баҳоси аксарият бир жойдан чиқмоқда, яъни қарашлар муштараклашмоқда.

— Эшитаётган бўлсангиз прокуратуранинг милицияга нисбатан совуққонлик билан иш олиб бораётгани, милиционер жабрланувчи бўлган ҳолларда прокурор ва судлар етарлича аҳамият бермаётгани ҳақида гаплар кўпайиб кетди.

— Агар бу борада биздаги ҳолатни билмоқчи бўлсангиз, афсус билан айтишим мумкин, биз — терговчилар бунақа ишларга аралашмаганимиз учун ҳам тергов бошқармаси бошлиғи сифатида бирор нарса дейишим қийин. Лекин ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари сифатида эътироф этишим мумкин, бунақа ҳоллар бўлиб турибди ва кўпчиликда милиция айбдор деган тушунча мавжуд.

— Терговчилар билан суҳбатлашган пайтларимда эътибор берман, жиноят мажмуаси битилган китобларига ҳар хил қоғозлар ёпиш-

тириб ташлашган бўлишди...

— Бу шожалоқлигимиз оқибати. Қонун чиқараётган пайтда сал шомамиз-да. Фақат бугунги кун ўйланади. Эртага эса яратганимиз тўғри келмай қолади. Мана... (у киши ёнида турган, керагидан ҳам ортиқ шишиб кетган қизил китобни кўрсатади). ЖМнинг ўзгариш киритилмаган бирорта моддаси йўқ. Қўшимчаларнинг кўпчилигидан сизмаганини четга ҳам олиб қўйганман.

— Ҳозирда терговчилар тайёрлаш масаласи қандай?

— Мақтангулик эмас. Бизга, асосан, республика ички ишлар вазирлиги қошидаги Олий милиция мактаби кадр етказиб беради. Шу йил диплом олиб, бизга жўнатилган йигитларнинг қарийб ярмини қайтардик: талабга жавоб бермайди. Айб ўша йигитларда ҳам бўлмаса керак. Ўқув дастури нобор. Ўша бўйича ҳар бир курсант оператив, ташқи хизмат ва тергов йўналишлари бўйича таълим олади. Оқибатда ҳеч бирини чуқур ўрганолмай, юзак билимга эга бўлиб қолаверади. Практикага етарлича вақт ажратилмайди. Ҳуқуқшунослик олий билимгоҳида эса фуқаролик қонунларига кўп вақт ажратилади. Бу эса кўпроқ судьяларга асқотади, бизнинг терговчиларга эмас.

Балки фақат терговчилар тайёрлайдиган мактаб очиб керакдир? Унда асосий эътиборлардан бири практикага қаратилса ажойиб бўларди. Практика бўлганда ҳам бутунгидек пала-партиш, ўлда-жўлда эмас, ҳақиқий практика. Ахир ёмон кадрлар билан яхши ишларни амалга ошириб бўлмайди-ку.

Нима бўлишидан қатъий назар, агар ишлаш учун шароит яратиб берилмас экан, ҳеч нарса ўзгармайди. Агар билсангиз, Чор Россияси даврида ҳар бир терговчи биттадан стенографистка беришган. Нима, ўйлайсизки, улар аҳмоқ бўлишганми? Йўқ. Тергов кўзни-кўзга қадаб олиб борилиши керак. Бизда нима бўлади? Терговчи битта саволни берадию энгашиб ёзишга киришади. Жиноятчилар эса тажрибали руҳшунос бўлишади. Терговчи ёзиб бўлгунча, кейинги савол қанақа бўлиши, қандай жавоб бериш лозимлигини ўйлаб, пишитиб олишади. Хуллас ҳақиқат устиворлиги, қонун устиворлигига эришиш учун терговга катта аҳамият бериш лозим бўлади.

Суҳбатдош:
И. ШОМУРДОВ.

ҲАЁТ — ЭНГ ШИРИН НЕЪМАТ

Машойиҳлар, оламда нима ширин, деган саволга ҳамма нарсадан ширин ва лаззатлиси бу ҳаётдир, деб айтишган эканлар. Агар одам саломат бўлса, доимо кайфи чоғ, руҳи тетик бўлади. Гайрат-шижоат жўш уриб туради. Бундай кишилар кундалик ҳаётдан мамнун бўлишса, жамият улар меҳнатидан манфаатдор.

Бизнинг Фарғона вилояти ИИБ Давлат автомобил нazorати ходимлари кечаю-қундуз кишилар учун энг азиз бўлган ана шу — ҳаёт ҳақида ўйлашади. Техника воситалари кўпайган, ҳаракат зичлиги анча ортган ҳозирги пайтда бирор кишининг ҳаёт риштаси бевақт ўзимасин, ногирон бўлиб қолмасин, кимларнингдир ердамига муҳтожлик сезмасин дейишади.

Мазкур йил кўп қатори вилоят ИИБ Давлат автомобил нazorати бўлими ходимлари учун анча масъулиятли, аини пайтда муваффақиятли йил бўлди. Мустақиллик бошиданок аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ҳар бир ходимнинг ўз ўрнида виждонан ишлаши тўғрисида келишиб олдик, тадбирлар белгилдик. Илгор ходимларнинг ишлаш усулларини кўпчилигининг мулкчи қилиш учун анча меҳнат-сарфладик.

Айни пайтда йўл ҳодисалари фуқаролардан ҳам катта масъулият талаб қилади.

Лекин барибир кимлардир ота-онасидан, ака-укасидан, фарзандидан жудо бўлган. Ёки бир умрга тушакка микланган.

Вилоятимизда ушбулардан тўғри хулоса чиқариб, масъулиятни ҳис этган Давлат автомобил нazorати ходимлари анчагина. Жумладан Бешарик, Фуркат, Олтиарик районларидаги ходимларимизни ана шундай кишилар қаторига қўйишни хоҳлардим. Мана Муроджон Носировий олайлик. У Бешарик районида автомобил нazorати бўлимига раҳбарлик қиляпти. Ўз касбига меҳр қўйган йигит. Доимо эл орасида, улар билан мулоқотда, маслаҳатини аямайди. Тез-тез автомобил қорхоналари, давлат ва жамоа хўжаликлари машина устaxonаларига киради. Одамлардан йўл ҳаракати талабларига риоя этишни сўрайди. Шундан бўлса керак, бу районда ишимизнинг барча соҳалари бўйича амалга ошириладиган тадбирлар кишини қувонтиради.

Кувазой шаҳри, Кува ва Фуркат районлари хусусида ҳам шундай яхши фикрларни айтиш мумкин.

Биз яқинда шаҳар ва район автомобил нazorати инспекторлари йиғилиб, пахта йигим-терими давридаги ишларни келишиб олдик. Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси қарори ва вилотимиз ҳокимининг 1992 йил пахта йигим-теримини пухта ташкил этиш тўғрисидаги фармойишида бунга алоҳида ургу берилган. Бу борада ишни биз анча илгари бошлаган эдик. Ходимларимиз давлат ва жамоа хўжаликларида бўлиб, транспорт воситаларининг мавсумга шайлиги, йўл қондаси талаби бўйича жиҳозланганлиги, уларни бошқарадиган ҳайдовчиларнинг тайергарлиги кўздан кечирилган бўлса ҳам яна бир бор маслаҳатлашилди.

Пахта етиштирувчи хўжаликлар, йигим-терим мавсумида иштирок этувчи ташкилот, қорхона, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари ҳамда барча меҳнатқилларга махсус Мурожаатнома қабул қилдик. Мурожаатнома босмақонада кўпайтирилиб, барча шаҳар ва районларга етказиб берилди. Эндиги вазифа ана шу соҳада қўйилган вазифани бажаришдан иборат.

Терим бошланиши билан йўл қатновни тизгилашди. Вилотимизда 250 мингдан зиёд транспорт, 2 миллион 300 мингдан кўпроқ аҳоли берлиги, давлат ва жамоа хўжаликларида пахтакорларни тахтасорга элтиш ва қайтиб ташиб келтириш, зарур бўлиб қолганда ҳашарчиларни жалб этишни кўшадиган бўлсак, йўлда юриш қанчалар қийин эканлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳар бир раҳбар мавсум давомида фақатгина одам ташишга мўлжалланган автомашина ва автобуслардан фойдаланиши, прицепларда, махсус мосланмаган автомашиналарда одам ташишни қатъий ман этиши керак.

Бунинг ўзи етарли эмас. Жойларда ҳар бир ташкилот ва хўжалик махсус тадбир белгиллаши, автопатрул ташкил қилиши лозим. Улар жойларда транспорт ҳаракатини назорат қилишлари, тартиб бузилишининг олдини олишлари шарт. Бунинг учун мавсумга атаб «Пахта-92» тимсоли билан махсус нишон жорий қилганмиз. У нишонни барча жиҳатдан соналган транспорт ҳайдовчисигагина топишири зарур бўлади. Шундай қилинганда ноҳушликларнинг олдини олиш имкони туғилади, деб ўйлаймиз.

Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида Давлат автомобил нazorати ходимлари зиммасига катта масъулият юкланган бўлса-да, уни амалга ошириш учун ҳар бир фарғоналик масъулдир.

М. ЙЎЛДОШЕВ,
Фарғона вилояти ИИБ ДАНБ
бошлиғи, милиция полковниги.

ҲУҚУҚШУНОС ТАЛАБАЛАР КЕЛАЖАКНИНГ ТАШВИШИДА

«Биз учун катталар ўйласин, бошимни қотириб нима қилдим». Кечаги кунгача биз худди шу ақидага амал қилиб келдик. Юртнинг катта-катта ташвишлари бизни қизиқтирмади, ўйлаб ҳам кўрмадик, ҳаммасини катталар ҳал қилиб келди. Бурнимизнинг сувини эпложмай юрган кезларимизданоқ, пахтага чиқ дейишди, чиқдик, «виний» узум тер дейишди, тердик (кўпроқ жойлашсин деган мақсадда узумнинг устидан тепишга ҳам мажбурлашган. Илоҳим, гуноҳи бизнинг гарданимизга тушмаган бўлсин), олма, анор, қовун, тарвуз тер, ағана, чопиқ, чеканка қил... ҳаммасини бажардик. Чапаевча мўйлов силлаш қабилда билагимизни бурнимизнинг тагидан тортиб туриб: «Ўқиб ўрнига биз нима учун бу ишларни қилиб юрибмиз», — дея сўраб қолгудек бўлсак, дарров «қайириб» ташлашди. «Сиссатга аралашманглар!» Биз учун катталар жавоб беради!

Шукр, минг қатла шукрки, бугунги кунлар бошқача. Қорин ганини бир чеккага суриб қўйиб, қадрдан сўз очадиган бўлсак — биз юдик. Айниқса, бу борада ёшларнинг бефарқ эмаслиги кишини қувонтиради. Ахир, келажак уларники. Келажак учун жон куйдириш, межалари ухласдан «алаҳлаб» чиқиш ажойиб фазилат.

Мана бир гуруҳ оғайнилар

ғарибгина дастурхон атрофида куни кеча эълон қилинган Конституция лойиҳаси юзасидан баҳслашяпмиз. Дастурхондаги чой совиб, баҳс эса қайнаб кетди. Камина (муҳбир):

— Йигитлар, қомус — бизнинг бугунимиз, эртамыз. Келинлар, дадил таклифларимизни ўртага ташлайлик. Зора, инobatга олинса.

Зарифжон Эшонқулов, ҳуқуқшунослик институти IV курс толиби:

— Лойиҳани тайёрлаш учун сарфланган катта меҳнатни инкор қилиш мумкин эмас. Шундоғам сезилиб турибди. Масалан, давлат суверенитети, инсон ҳуқуқи ва эркинликлари каби алоҳида бўлимларнинг мавжудлиги демократик асосларни ўзида мужассам этган. Бусиз мумкин ҳам эмас. Аммо баъзи бир камчиликлар бор.

1-моддани олайлик. «Ўзбекистон суверен демократик республика...» дейилган. Давлат бошқаруви усули эса кўрсатилмаган. У президентликми ёки парламентар, номаълум. Давлат

ҳокимиятини тузиш айнан шу усулга асосан белгиланиши керак. Агар парламентар деб номланса, демак, ҳукумат Олий Мажлис томонидан тузилади ва уни Бош Вазир идора қилади (бошчилик қилади). Ушбу лойиҳада эса президентлик республикаси деб баён қилинмаган бўлса-да, давлат аппаратини ташкил этиш Президент томонидан амалга оширилиши мустаҳкамланган. Шундай экан, 1-моддага «президентлик... сўзини қўйиш мақсадга мувофиқ.

Мирзамаҳмуд ТОЖИЕВ, IV курс толиби:

— Лойиҳанинг 8-моддасини қуйидагича баён қилиш керак: «Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади.» Чунки фуқароликка қабул қилишда миллатнинг аҳамияти йўқ. Бу ерда ҳар қандай изоҳ ортқиқча.

Суд ҳокимияти масаласига ҳам бошқача ёндошиш керак. 107-моддани: «Суд ҳокимияти (мутлақ) мустақилдир ва фақат қонунга бўйсунди» тарзида ўзгартириш мақсадга яқинроқ. Судьяларнинг Президент

томонидан тайинланиши, менимча, тўғри бўлмаса керак. Чунки вилоятлар ва яна районларнинг судьяларини тайинлаш учун Президент уларнинг шахсий варақа (дело)-лари билан танишиб чиқиши, улар билан суҳбат ўтказиши зарур бўлади. Бунга Президентимизнинг имконияти ҳам, вақти ҳам бўлмаса керак. Одиллик ҳукмини ўқийдиган одил шахсни уни жуда яхши биладиган халқ сайлагани маъқул. Судьялик ваколатини ҳам узайтириш керак. Тажрибаси катта, профессионал судьяларнинг ваколатини умрбодга деб белгиллаш керак. Бу масъулиятни бир неча баробар оширади.

Рустам СОЛИЕВ, IV курс толиби: Ҳокимиятнинг қатъий тақсимидаги эришиш зарур: қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимияти. Президент давлат бошлиғи сифатида акс этиши керак, ҳокимиятнинг у ёки бу қисмига кириши мумкин эмас. Фақат улар фаолиятини мувофиқлаштириб туриши мумкин. Масалан, ҳукуматга Бош Вазир бошчилик қилиши ва у

Олий Мажлис томонидан сайланиши лозим. Ҳозир кўпчилик фикр билдириштики, Ўзбекистон президентлик республикаси, шунинг учун унинг ваколати кенгайтирилиши керак. Буни АҚШ мисолида исботлашга ҳаракат қилишяпти. Ваҳоланки, АҚШ давлатининг тарихий келиб чиқиши, этник тузилиши ва миллий асослари бизникига мувофиқ келмайди.

Энди 80-модда ҳақида. Уни Қонунлар Олий Мажлис аъзоларининг учдан икки қисм овози билан қабул қилинади, «деб ўзгартириш шарт. Сабаби, қонун ишлаб чиқариш жараёни бир хил кечади. Овоз беришда ҳам шунга риоя этиш керак.

Мудофаа масаласида ҳам янгича ёндошув зарур. Қуролли кучларга шартнома асосида қабул қилиш, яъни профессионал армияга асос солиш вақти келди. Шундан келиб чиқиб, қуйидаги моддаларни киритиш мумкин:

«Ташқи хавфдан мудофаа қилиш учун Қуролли Кучлар ташкил қилинади. Ундан ички мақсадларда фойдаланиш таъқиқланади».

«Қуролли Кучлар таркибига хоҳловчилар шартнома асосида қабул қилинади ва хизматга киришиш учун қасамёд қабул қилади».

Давра суҳбатига Эркин САТТОРОВ қатнашди ва ёзиб олди.

ГИРДОБ АЙЛАНАВЕРАДИ

Ичкилик оқибатидан кўплай оилалар бузилиб кетмоқда. Текниҳурларча ҳаёт кечиришга ўрганган худбин ота-оналар ўз фарзандларининг тарбияси, тақдири, келажаги ҳусусида умуман қайғуришмаяпти. Натижада ўсмирлар жинояти кундан-кунга ўсиб бормоқда, — дея бонг урилди Тошкент шаҳар Чилонзор райони ҳокимлиги ва прокуратураси уюштирган йиғилиш чоғида.

Мазкур муҳим мавзуга кенг жамоатчиликнинг диққатини тортиш учун бу ерга ҳокимлик ҳузуридаги воёга етмаганлар билан ишлаш комиссияси, ИИБ, маориф, соғлиқни сақлаш, маданий-оқартув вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, ташкилотчи-мураббийлар таклиф этилди.

Район ҳокими А. Алиев ҳудуддаги ташвишли вазият ҳақида гапиргач, сўз прокурор Р. Ҳақимовга берилди.

— Балоғат ёшига етмаганлар содир этаётган жиноятларнинг таҳлили гаразли ва алоҳида шафқатсизлик билан қилинганларнинг тобора ортаётганини кўрсатмоқда.

Қароқчиларча ҳужум, босқинчилик, фуқаролар мулкни ўғирлаш каби ҳолатлар ўтган йилга нисбатан бир неча бараварга ошган. Шу йилнинг саккиз ойи давомида 610 нафар қонунбузар келтирилган. Улардан 20 фоизи ишловчилар, 25 фоизи билим юрти, 15 фоизи мактаб ўқувчилари бўлса, 40 фоизи ҳеч қандай ишламайдиган ва ўқимайдиганлардир.

Масалан, 1975 йилда туғилган Р. Каримов 12 ёшида ўғирлик қилиб, болалар-тарбиялаш муассасасига тушган. Белгиланган муддатидан олдин қутилиб чиқди. Ота-онасининг бағрига келди. Бироқ катталар ажрашган, Ёлғиз онаси уч бола билан қолган. Рустам ўқимади, ишлашни ҳам истамасди. Унинг тақдири билан ҳеч ким шуғулланмади. Ўзи билан ўзи қолган Рустам ича бошлади. 1991 йилнинг январда эса ўзидан бир неча ёш кичик икки болакайни уйига олиб кириб, кўнгли тусанганча азоблади. 12 ёшли В. Бақатинини уч оқик электр симларини ушлашга, оёқларини ўпишга, улар бош тортганда уриб, деворларга сачраган қонни ялашга мажбур қиларди. Икки соатлик таҳқирлашга қўни-қўшинининг эшик тақиллаштиридан кейингина барҳам берилди. 16 ёшга тўлмаганлиги учун Рустам бу гал жазосиз қолди. Бир йил ўтгач эса синглисини зўрлашга ҳаракат қилди. Қизча ўзини бешинчи қаватдан ташлаб юборди. Ҳозир Рустамнинг иши судда.

Прокурорнинг маърузада келтирган бу мисоли ўғирларнинг ток ургандек титратиб юборди.

Р. Ҳақимов районда бир қанча ижобий ишларнинг амалга оширилишига қарамай, вазият ўзгармаётганини афсус билан таъкидлади. Бундан ташқари мураббий-ташқилотчиларнинг ишлари қониқарсизлиги, спорт майдончаларининг яроқсизлиги, ёшларни ишга жойлаштириш ва бошқа кўплай муаммолар ҳусусида тўхталди.

Район ИИБ катта терговчиси С. Пиринский келтирган рақамлар ҳам аҳволнинг анча мураккаблигидан далолатдир. Йил бошидан 124 жиноий иш қўзғатилган (ўтган йилнинг шу даврига 59 та эди), халқ судига 79 (45) таси юборилган, 93 таси (55) жиноий жавобгарликка тортилган.

Шундан сўнг маҳалла фаоллари, мактаб директорлари ҳам сўз берилди. Улар видеофильмлар намойишини тўхтатиш, пуллик тўғаракларни нисбатан арзонлаштириш каби таклифлар киритдилар.

114-ўрта мактаб директори М. Убайдуллаева воёга етмаганлар билан шуғулланувчи участка вакиллари бевосита мактабларда ишлаши лозимлигини айтди. Унинг ҳар бир участка вакиллари икки мактаб бириктирилсаю, ҳар кун бир неча соат ўқув масканида тарғибот, профилактик ишлар билан шуғулланса, деган таклифини барча маъқуллади.

Назаримда йиғилиш давомида жонлироқ чиққан таклиф ҳам шу бўлди.

Йиғилиш тугагач, бир неча саволлар билан Р. Ҳақимовга

муружаат қилдим.

— Бундоқ олиб қараганда биз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилаётгандаймиз. Лекин нимадир энг асосийси қолиб кетаяпти.

Йиғилишга тараддудланаётган пайтда ўн тўрт яшар болага санкция сўраб келишди. Берсанг умри ҳазон бўлади, бермасанг... Жуда мушкул масала. Ҳар гал шулар ҳақида ўйларкансан, жавоб тополмайсан киши. Ҳаётга эса инсон бир марта келади. Умрини, қалбини яралаш, унга тамға босиш осонми? Бинобарин ўсмирлар ҳам қани энди шундай ўйлашса.

Биз яқинда бир тадбирни амалга оширмоқчимиз. Тарбияси оғир ўсмирларни болалар муассасасига олиб бормоқчимиз. Токи улар у ердаги ёпиқ ҳаёт қийинчиликларини ўз кўзлари билан кўришсин. Зора бу уларни тўғри йўлга қайтаришга, ўйлаб қадам босишларига ёрдам берса.

— Жиноятга қўл ураётган ёшларнинг аксарияти нотўқис оила фарзандлари. Кўпчилигининг отаси йўқ. Ёки ота-она ароқхўр. Айримлари ажрашгач, болага нафақа оладию, лекин алаҳқачон уни болалар уйига топширган, — деб суҳбатни давом эттиради прокурор ёрдамчиси Т. Богданчикова. — Она кун билан ишда. Фарзандининг нима билан шуғулланаётганидан беҳабар.

Айрим мактаб ўқитувчилари оилаб ўқишга келмаган ўқувчиси ҳақида қайғурмайдим. Бу ҳусусда ота-онага ҳам хабар беришмайди. У милиция қўлига тушиб қолгандагина бу “сирлар” юзага чиқади. Мана, яқинда 10 яшар бола оғир жиноят содир этди. Ёлғиз онаси бор. Онаси эса “Нима қилсангиз қилаверинглар. Менинг гапимга барибир қулоқ солмайди”, — дейди. Ўз онасича фарзандидан юз ўгириб, боласининг тақдирига бефарқ қараб турса, ўзгалар ҳақида нима дейиш мумкин. Шундан ҳам кўриниб турибдики, ҳозир катталар болаларга этиборсиздирлар.

Уларнинг гапларида жон бор. Қўш уясида кўрганни қилади.

Ўйлаб қарасак, айб ўзимиздан бошланади-ку. Негаки биз эътиборсизмиз. Турмуш иқри-кирларидан ортиб, болаларимизга керакли вақтда дўст, тенгдош, маслаҳатчи бўла олмаймиз. Ўзимизга четдан назар ташлаб, “Фарзандим мендан нима ўрганиши мумкин? Мен унга нима бера оламан?”, — деган саволга жавоб қидириб кўрмаймиз.

Мана ҳозир сиз шу саволни беринг-чи ўзингизга. Беринг, бераверинг: Энди дилбандингизнинг кўзларига боқинг. Нима истайди сиздан?

Инсон тугилибдики, унинг атрофида яхшилик билан ёмонлик ёнма-ён. У ана шулардан иборат уммонда сузиши керак. Уммон гирдобсиз бўлмайди. Гирдоб эа тинмай айланаверади ҳали суяги қотмаган болакайларни қаърига тортмоқчи бўлиб. Фарзандларимизнинг яримта қадами уни гирдобга яқинлаштириши мумкинлигини биз катталар унутамиз. Ҳаёлимизда бир нарсаси — уларни едиришимиз, ичиришимиз, кийинтиришимиз керак. У-бу ортиришимиз лозим. Ўзимизни ўтга, чўққа урамиз. Гирдоб эа айланаверади. Янада чуқурроқ айланади.

Назаримда шунча гамхўрлигимиз эвазига бола ҳам тўқис улғайиши керакдай. Ҳеч кимдан кам эмас. Шунинг ўзи тарбия учун етарлидай. Бироқ қалбидаги гоҳ иккиланиш, гоҳ исён, гоҳ осудалик, гоҳ тўфоннинг шабадасини афсуски илғамаймиз. Ташқи сиполиги, муомаласи билан кифояланиб қўяқоламиз. Биз яхшимиз, нега болаларимиз ёмон бўларкан, деган фикрда чалғиймиз. Баъзан савол берамизу жавобини ҳам охиригача эшитмаймиз. Эътиборсизлигимиз билан уни ёлгонга осон ўргатганимизни биламизми? Йўқ.

Яхши билан ёмоннинг фарқига борган, деб ўйлаймизу жавобгарликини бўшаштираемиз.

Гирдоб эа айланаверади домига мурғак юракларни тортиб. Бола бўш қолдики, у томонга қараб ўрмалайверади. Фарзандининг унга тушиб қолиш-қолмаслиги эса сизга боғлиқ. Наҳотки сиз шунга истайсиз?

М. ИБРОҲИМОВА.



СУРАТЛИ ХАБАР

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасига қарашли пост-патрул хизмати 9-ротасининг 18 нафар ходими бугунги кунда Яккасарой ички ишлар бўлими билан қилаётган ҳамкорликлари ўз самарасини бермоқда. Улар район ҳудудини ҳар хил жиноятчи тартиббузарлардан сақлаб, аҳоли тинчлигини мустаҳкамлашга эришмоқдалар.

— Олдингига қараганда ҳозир вазият анча яхши, демоқчиманки тартиббузарлар сони камайган, — дейди биз билан суҳбатда милиция сержанти Шермат Хидиров.

Суратда: милиция катта сержанти Ажиакбар Умиров (чапда) ва милиция сержанти Шермат Хидиров. Тартиббузар уларнинг қонуний талабларига бўйсунмагач, шундай чора қўллашга мажбур бўлишди.

Суратни Ҳ. Шодиев тайёрлаган.

МУАММОНИ КИМ ЕЧАДИ?

“Хайр сўраб очган қўлига,
Кимдир ташлаб кетади танга”.

Янгиер шаҳар қозилар маҳкамасига икки нафар киши кириб келди. Улардан бирининг соч-соқоли, тирноқлари ўсиб кетган, жулдур кўйлак-шимиғим, сув, совун, дазмол кўрмаганига анча бўлгани шундоқ билиниб турарди. Оёқ кийимининг дабдаласи чиқиб кетганди.

Яхши кийинган паст бўйли йигит қозига юзланиб гап қотди:

— Мана бунга ҳеч ким ишга олмаяпти. Иш бўлса-жой йўқ, жой бўлса-иш йўқ, деб баҳона қилишади. Нима қилишга ҳайронман. Ўз қўлига ташлаб қўйишга виждоним йўл қўймапти.

Қози стол устидаги қоғозларни титқилаб, телефон китобини топти. Кейин аллакимгадир кўнгирак қилиб, танишини оддий ишчиликка қабул қилишини сўради. Бироқ у “иш йўқ” деди шекилли, тарвузи қўлтигидан тушиб, асабийлашганидан қипқизариб кетди. Жаҳл устида стол устидаги қоғозларни четга суриб:

“Қизик на милиция, на суд битта одамни ишга жойлаштиролмасан? Уни ҳокимга олиб боринг. Балки унинг қўлидан келар”, — деди ижроича қараб.

Мен уларнинг ортдан ҳовлига чиқдим. Ижрочи алаҳқандай қоғозларни расмийлаштиргани кириб кетган экан. Эшик ёнида турган боғчи йигитга учрашиб, суҳбатга тортдим.

У рус тилида берган бир-икки саволимга соф ўзбек тилида жавоб қайтарганида хижолатдан ўзимни қўярга жой тополмай қолдим.

... Йигит ўттиз тўрт ёшда бўлиб, жуда кўп савдоларни бошидан кечирган экан. Дастлаб у шаҳарга ишга келган ёшгина қизни беҳурмат қилиб, ҳақоратлагани учун суд ҳукми билан уч йилга қамалибди. Аҳлоқ тузатиш муассасасидаги безорилиги учун яна икки йил беришибди.

Муддатидан аввал озод этилгач, бир олам қувонч билан уйига отланибди. У қамокдалигида ака-укалари онасини дафн этишган экан.

Ўлганининг устига тепган қилиб, ака хотинининг гапи билан уни уйга киритмапти. Шундан сўнг у таниш-билишларининг уйида ётиб юраверибди. Тез орада, ўзига ўхшаган уйсиз-мақонсиз шахслардан “дўст” орттириб, улар билан яна қингир йўлга кириб кетибди. Хашаги очилиб қолгач, яна панжара ортига юборишибди.

“Бу менинг охириги ўтиришим, бошқа бу ерни елканнинг чуқури кўрсин”, — деб қамокдан чиққач, дарвозага қараб еттига тошни отиб келган экан. Афсуски, ака уни бу гал ҳам уйга киритмасдан дарвоза олдида насихат қилгандай бўлипти:

— Бизникига бошқа келма. Насихатим шуки, уйли-жойли хотин топиб ол, фарзанди бўлса яна яхши.

“Пешонамга ёзилгани шу экан-да”, — деб эски “дўстлари”

кучоғига отланибди. Улар билан бир бойваччанинг уйини “тафтиш” қилиб, етти йилга кесилиб кетибди. Махсус колонияда яхши хулқ ва меҳнат билан етказилган ўн икки минг зарарнинг ўн мингини тўлаб, муддатидан илгари ўз шахрига қайтиб келибди. У бу гал ҳам акасига учрашиб, ҳаётини бошқатдан бошламоқчилигини айтибди. Ака ўйлаб-нейтиб ўтирмай дилидагини тилига чиқариб қўя қилибди:

— Сендан нафратланаман, сендек укам йўқ. Йўқол кўзимдан!!!

Қамокда ўргатишгандек судга, милицияга бориб, бирор ерга ишга жойлаштириб қўйишларини сўраб, қатнайвериб чарчабди. Қўшини районлардаги катта-кичик корхоналарга ҳам бориб, иш ахтариб кўрибди. Аммо натижа чиқмабди.

— Акангизга “Уйга мен ҳам меросхўрман. Менинг улушим бор”, — демасингизми?

— Акам “ота-онамнинг ҳамма маросимларини ёлғиз ўзим ўтказдим. Сенинг ҳақинг ҳам ўша худойиларга кетди”, — деб жавоб бердилар.

— Судга муружаат қилдингизми?

Менинг саволим йигитни ўйлатиб қўйди. Бироздан сўнг қийналиб деди:

— Ахир мен мусулмонман-ку! Қандай қилиб, ака устидан судга арз қиламан. Унда эл-юрт олдида нима деган одам бўламан?!

Бугун унинг қамокдан келганига ропна-роса икки ой бўлипти. У аввалгидек дуч келган жойда ётиб юраркан. Овқатланиш масаласи эса оғирроқ кечаётганини билиб олдим. Унинг аянчи тақдирига ачиниш кетганимданми ёки мардлигим тутиб кетдики — ҳозир аниқ эслолмайман, ёнимдан битта “йигирма бешта”ликни чиқариб, қўлига тутқаздим. Пулга қараб, унинг кўзларидан тирқираб ёш оқиб кетди.

— Ака, — деди у титраб-қақшаб, — сиз менинг исмининг сўрамай-нетмай нега хайр-эхсон қиласиз? Ахир мента ўхшаганлар жуда кўп-ку, маошингизни қайси биримизга етказасиз?

Шу пайт унинг соқоли ўсиб кетганига қарамай ранг-рўйи ўзгарганини сезиб қолдим. Бирдан ўнг қўли билан чап кўкрагини чангаллаб қолди. Аҳволи ёмонлашганини кўриб, боғчи суд ижроси “Тез ёрдам” қақирди.

Эртасига суд ижросидан бемор йигитни ишга жойлаштирганини эшитиб, бениҳоя хурсанд бўлдим. Ижрочи унга озроқ пул бериб, келгуси чоршанбадан ишга борасиз, деса, хурсандлигидан ёш болалардай уйинга тушиб кетибди. “Қафат келин топиб, тўй қилмас бўлди”, — деди ижрочи мен билан хайрлашаркан.

Ижрочининг ҳазили мени

ЭГРИЛАР

Ҳозир бензиннинг ҳақиқий баҳоси қанақалигини машина ҳайдовчиларидан сўранг. Уни осонликча топиб бўлмаслигини ҳам. Авваллари ярим челақ бензин сўраган одамга бир челақ бериб юборишаверарди. Энди-чи? Бир челақ сўрасангиз, ярим челақ ҳам беришмайди. Наҳд пулингга ҳам йўқ.

Абдусалом Ҳақимов 73-АЁКТда ишлайди. У олдида 40 литр бензин сўраб келган шахсга 39 литр бериб балога қолди. Бир литр енигини тежаб қоламан деб 100 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Ҳа, энди ҳақини бериб юборадиган анойилар йўқ.

Айниқса бензин ҳақида гап кетса...

Такси ҳайдовчиси Ж. Олимов касбини яхши кўрадию лекин такси ичидаги ҳисобдонни кўришга қўзи йўқ. Шунинг учун сира унга қарамасликка ҳаракат қилади. Йўлқирани ҳам ўзи белгилайди.

У навбатдаги йўловчиларини айтган манзилларига элтди-да 60 сўм сўради. Ўртада баҳс бошланди. Баҳсга Тошкент райони ИИБ ходимлари қўшилдилар. 48 сўм ўрнига 60 сўм талаб қилган Ж. Олимов 100 сўм жарима тўлайдиган бўлди.

М. ҲАКИМОВ.

Ўйлантриб қўйди. Ўша кунги шаҳар ва район ИИБдаги мутасаддилар билан боғлиниб, ҳудудимизда ишсиз, уй-жойсиз, илгари судланган қанча шахс борлигини сўраб аниқладим. Уларнинг сони анчагина бўлиб, ишга жойлаштирсанг ётоқ йўқ, жой топсанг иш ўрни йўқ, дейишгани рост экан.

Қонунни бузаётганлар орамизда истаганча топилади. Уларни қайта жиноят қилмасликлари учун қамоқ жазоси белгиланади. Бу орада уларнинг хотини ташлаб кетади, бола-чақаси бегона бўлиб қолади. Дўст-биродарлари воз кечади, қ а р и н д о ш - у р у г л а р и нафратланадиган бўлади. Лекин улар тўғри йўлдан баъзи бир сабабларга кўра чиқиб кетишган бўлса-чи? Ота-она, ака-уканинг, қариндош-уруғининг ҳам бу хато йўлга кириб қолишида ҳиссаси борлигини нега энди биз унутиб қўямиз? Милиция ходимлари томонидан ушланган дайдиларнинг 90 фоизи совуқ туша бошлагач, ўзлари милиция идоралари атрофида айланиб юришади. Чунки улар учун бироз ишлаш, текин овқат, кийим-бош берадиган “махсус” жойлар борлигини яхши билишади-да. “Муддат” тугагач, йўлланма билан яна милицияга ишга жойлаштириш вазифаси юкланади. Кўпчилик раҳбарлар йўлланма орқасига чамбаракли қилиб “Бўш ўрин йўқ” деб имзо чекиб, муҳр ҳам босадилар. Наҳотки улар адашган инсон боласини ўз бағрига олишни истамасалар, улардан нафратлансалар?

Уларни тўғри йўлга солиб юборилса, чин инсон бўлишлари мумкин-ку!

Бир раҳбар ошнам менга: “Судланмаганларни зўрга ишлатиб юрибман, судланганларни қўйиб туринг”, деди.

Эндигина бир ёшга кирган мустақил мамлакатда меҳнатга қобил шахсларнинг хайр-эхсон сўраб очмаган қўлига қачонгача танга ташлаб юрамиз?

Фахриддин МУШТОҚОВ,
Сирларё вилояти ИИБ жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи, милиция полковниги.

ТАҲРИРИЯТДАН: вилоятлардаги иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналарда алоҳида цехлар ташкил қилиниб, бу ерга аҳлоқ тузатиш муассасаларидан қайтган шахслар ишга қабул қилинса, ётоқ билан таъминлашни ҳам корхона ўз зиммасига олса. Мана шунда муаммони қисман ҳал этган бўлармиди.

Ҳурматли муштарийлар! Бу борада сизларнинг таклиф ва мулоҳазаларингизни кутамиз.



Жон талаш, хотин талаш

Аслида биродаркушликнинг бошланиши шу — аёл талашишга бориб тақалади, дейишади. Бугунги кунга келиб ҳам бу масалада ижобий томонга ўзгаришлар бўлгани йўқ. Ҳали-ҳанузгача аёл талашиб уришишлар, ҳатто қотилликлар учраб турибди. Бугун биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётганимиз — мудҳиш фожиа ҳам шу хусусда.

МАРҲУМ КИМ?

Бир ҳафта мобайнида Октепа ҳудудида тўрт марта қотиллик юз берди. Айниқса "Октепа" каналидан топилган жасад изкуварларни кўпроқ ўзига жалб қилди. Бу жуда сирли ва маъхум қотиллик эди.

Ҳаммаси каналнинг сувини тўхтатишгандан сўнг юз берди. Унинг тубидан шох-шаббага илашган, сувда анча маҳал турганидан оқем бўлиб, шишиб кетган аллақандай эркак кишининг жасади кўриниб қолган эди. Дарҳол Шайхонтохур райони ички ишлар бўлимига воқеа ҳақида хабар берилди.

Район прокурори Эркин Йўлдошев, ИИБ бошлиғи Аскар Зиёвуддинов, унинг ўринбосари, милиция капитани Собит Орипов ва жиноят-қидирув бўлимига бошлигининг муовини милиция капитани Раҳматилла Мадалимовлар зудлик билан етиб келишди.

Мурданинг бўйнига арқон боғланган, унинг бир учига эса симдан ясалган илгакча тақилган эди. Афтидан қотил мурдани сув остидаги тўнками, илдиэрами илашиб қолиши учун шундай қилган. Марҳум ич кийимда эди. Изкуварлар жиноят уйда содир

бўлган, деган хулосага келишди. Бундан ташқари унинг қўл ва баданидаги татуировкадан илгари судланган эканини англаш қийин эмас, ашъвий далиллар аста-секинлик билан тўпланаётган эди.

Жасад суратга олиниб, экспертизага юборилди. Тошкент шаҳри ва вилояти районларига хабарномалар жўнатилди. Дастлаб марҳумнинг ёши 30-35 лар атрофида деб тахмин қилинган эди. Экспертиза эса 30 ларда эканлигини айтиди ва у бошининг орқа томонидан қаттиқ нарса билан урилган зарбадан ҳалок бўлган, деган хулосага келди.

Орадан уч кун ўтиб ишга мутахассис жалб этилди. Сувда шишиб кетган бармоқ асл ҳолига келтирилиб, изи олиниб, улар маълумот марказига марҳумнинг шахсини аниқлаш учун юборилди.

Ниҳоят марҳум 1965 йилда туғилган, Чилонзор райони ҳудудида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган Б. Сергей эканлиги маълум бўлди. Унинг ота-онаси билан суҳбатлашилганда ўғиллари хотини Ирина билан бошқа жойда яшашини айтишди.

ҚОТИЛ-ЧИ?

Энг асосийси — марҳумнинг шахси аниқланган бўлсада, ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп эди. Шулардан биринчиси қотил ким, деган саволга жавоб топиш.

Шайхонтохур райони ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлимига ходими, милиция капитани Раҳматилла Мадалимовга қотиллик уйда юз берган деган тахмин тинчлик бермасди. Шунинг учун ҳам из олувчилар ҳамкорлигида Сергей яшаган уйга ташриф буюрди.

Уй бекаси бегаму беўй, гўёки ҳеч нарса юз бермагандек боласини эркалатиб ўтирарди. Изкуварларни эса гиламларнинг ёқиндагина ювилганию деворга ёпиштирилган гулқоғозларнинг юлиб ташлангани қизиқтирарди.

Из олувчи мутахассислар деворда қолган қон доғлари марҳумга тегишли эканини аниқлаб, шубҳага ўрин қолдиришмади: жиноят шу ерда содир бўлган. Лекин ҳали қотил номаълум эди.

“УЧ ҚАЛБ”

Маълум бўлишича Сергей қамалиб чиққач, ўғли ва хотинига умуман қарамай қўйган. Ҳатто ҳафталаб, ойлаб уйига келмас, бунинг устига ҳеч қаерда ишламас эди. Уйга келди дегунча жанжал чиқармоқчи бўларди. Арзимаган нарсалар учун ҳам хотинига ўшқираб, тарсаки тушириб қоларди. Рўзгор тебратиб учун пул кераклигини ҳаёлига ҳам келтирмаган. Ирина нима қиларини билмас, бир-икки марта эрининг олдида ажралиш масаласини қўйди. У эса бундай пайтда хотинини алдаб-

аврар, ҳар хил гаплар билан овулар, кейин яна ўз билганидан қолмасди. Ҳаммаси жонига теккач, Ирина Н. исмли йигит билан танишди. Тезда ораларидаги муносабат севгига айланди.

Н. шахсий машинасида пул топиб келиб, Ирина билан тенг бўлишиб олишарди. Ниҳоят сир ошқор бўлди. Қўшнлари Сергейга хотини Н. билан “дон олишиб” юрганини айтиб беришди. Ҳазабланган эр кўнларнинг бирида Н.ни “таплашиб” олиш учун уйига таклиф қилди.

ИРИНАНИНГ ҲИКОЯСИ

“Иккаласи гаплашиб ўтирувди. Менга эрим: “Сен эркаларнинг ишига аралашма”, — дегани учун бошқа хонага ўтиб, ўғлимни овутиб ўтирдим. Ўн беш дақиқалардан сўнг олдиларига қиксам, Н. Сергейни аллақачон ўзи келтирган тош билан уриб ўлдириб қўйган экан”.

Тошкент шаҳар прокуратураси

терговчиси Ботир Қодиров томонидан сўроқ қилинганда Н. ҳаммасини бўйнига олди:

— Бу 7 сентябрга ўтар кечаси юз берган эди. Сергейни уриб ўлдириганимдан сўнг, ҳаммаси учларда шахсий машинанинг юкхонасига мурдани юклаб, Ирина иккимиз канал ёқасига келтирдик. Бўйнига арқон бойлаб, сувга ташладик.

ХУЛОСА

Ҳўш, бундан чиқариладиган хулоса нима? Умуман бу ерда ким жабранувчию ким айбдор? Сал ўйлаб қараладиган бўлса, бу ерда ҳар учаласи ҳам гуноҳдор, ҳар учаласи ҳам жабрдийда...

Ойласига қарамай, пала-партиш ҳаёт кечириб юрган Сергейни айблай десанг, бечора ўз шаъни, номуси деб ўлиб кетди.

Н.ни айтинг. Бировга ердан бергани яхши, лекин хотин ўзганики эканини унутмаганда яна ҳам яхшироқ бўларди.

Ирина-чи? Бугунда жамиятимизда елғиз бева-бечора

аёллар кўплаб топилади. Уларда ҳам бола бор. Қолаверса буларнинг баъзиларига ҳавасимиз келади. Меҳнат қилишади. Рўзгор тебратишади. Ирина-чи? Эрига қараб туриши шартми?

“Тадонинг душмани гадо бўлади” — деган гап нақадар билиб айтилганига яна бир бор иқдор бўлдим: маънавий қиёфасини йўқотиб бораётганлар бир-бирининг пайида бўлади.

Ортиқ МАҲМАЮСУПОВ.

(“Тошкент оқшоми”дан кўчириб босилди).

Транспорт милициясида бир ҳафта

“КИЙИК” ЛИК ОЛГИР

Термиз темир йўл станцияси ИИБга ташвишли хабар келди: Душанбедан Хўжандга йўл олган поезд йўловчисининг ҳўжалик халтаси ўғирланган. Халтада нархи жами 8 минг сўмлик нарсалар бор экан. Қўрилган чоралар натижасида ўғри аниқланиб, ушланди. У “Кийик” жамоа ҳўжалиги иш-чиси 24 ёшли С. исмли йигит бўлиб чиқди.

Хўжалик халтаси нарсалари билан эгасига қайтарилди. Ўғри эса қилган жинояти учун жавоб беради.

ЧўНТАКНИ “АДАШТИРДИ”

Тошкент темир йўл кассаси ёнида “адашиб” бировларнинг чўнтагига қўл суқиб юрувчи кимса қўлга олинди. Албатта, жиноят устида. Тошкентлик К. исмли бу йигитнинг ёнидан ўғирланган 2 минг 300 сўм пул ашъвий далил сифатида олинди, эгасига қайтарилди.

ЎҒРИ ЎЗИДАН ЭКАН

Қўқон темир йўл станциясига Охунбобоев станциясидан келтирилган, “А-76” бензини қўйилган цистерна текширилганда, ундаги ёқилгининг анчаси қаёққадир “оқиб кетган” лиги аниқланди. Камомад 4 минг 500 сўмлик эди. Цистернанинг тамбаси ҳам жойида йўқ экан. Қўқон станцияси ички ишлар бўлими ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув натижасида ўғирликни содир этган кимса аниқланди ва қўлга олинди. У Қўқон станциясида манёвр қилувчи тепловоз машинисти Р. Р. экан.

Анвар ҲАКИМОВ;
Республика ИИБ матбуот
маркази ходими.

МИНГ АФСУС...

Тонг отяпти.

Табиатта яна бир тонг, инсонларга савоб ишлар учун яна бир қутлуг кун — имконият ҳада этилмоқда. Нақадар улугвор мўъжиза.

Инсон туғилганидан бошлаб ўтган ҳар бир дақиқа унинг умр биносини бир чеккадан бузиб тутагша яқинлаштирар экан.

Умр инсон ихтиёрига вақтинча берилган катта сармоядир. Нодонларгина уни туганмас деб ўйлашади. Шунинг учун ҳам омонат умрни улар маишатта, нафс-ҳавога сарф этадилар. Бир кун келиб эса асқотмайдиган аттанлар гирдобда қоладилар.

Тубанда ҳаёт ҳақиқатини англаб етмаётган, бебаҳо умрларини елга совураётган, одамларга ғам-ташвишдан ўзга нарса ҳада эта олмаган уч ногўл йигитнинг гуноҳсиз бир йўловчига етказган жабру жафолари ҳақида тўхталмоқчимиз.

Бу воқеа ҳақида яхшиси, жабранувчининг тергов жараёнида берган кўрсатмаси орқали хабардор бўлганингиз маъкул:

“Мен 1991 йил 8 октябрь куни соат 21.30 ларда ҳозирги вилоят Давлат автомобил назорати бўлими биноси ёнида жойлашган “Осма кўприк” тагида Кува районида кетиш учун машина кутиб турган эдим. “ВАЗ—21063” белгилі Г12 73 АН машинаси тўхтади. Орқа эшигини очган Шамшиддин Омоновга Кувага боришлигини айтдим. У “Ўтиринг, борамиз”, — деди.

Рулда Мухтор, енидаги ўриндиқда эса Алишер Валиев ўтирган эди.

Йўлда Алишер тушиб орқага ўтди. Юкхонани очиб, бир нималар қилди. Андижон район, Киров номили жамоа хўжалигининг 3-бригадаси ўрамага келганимизда, Шамшиддин: “Бўшалиб олайлик”, — деб машинани тўхтатди. Менга

“Тушиб туринг, ўтиб олай”, — деганди, тушдим. Шунда Шамшиддин Мухторга “Ҳайда!” — деди. Машина ўрнидан кўзгала бошлади. Осилиб юриб чиқиб олдим.

Мухтор машинани яна тўхтатди. Шунда: Шамшиддин: “Ана уни олиб юбор”, — деб Алишерга бардачок томонни кўрсатди. У ерда пистолетга ўхшаган нарса бор экан. Шамшиддин ўшани менинг чап биқинимга тираб: “Биз билан ҳазиллашмаяпсанми? Ўлдириб юборамиз ҳозир. Туш машинадан!” — деди.

Кейин мени ўша жойга — далага ташлаб жўнаб қолишди.

Кетаётганларида машинанинг орқасидан қараб, номерини билиб олмоқчи бўлгандим, латта ўралганини кўрдим.

Ана ўша лаҳзаларда жабранувчининг кўзига, албатта, фақат ширин жонигина кўрингани, бошқа ҳамма нарсадан буткул воз кечиб бўлганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Милиция бўлимига келгандан кейин 50 сўмлик дипломатини, уч қути “Космос” сигаретини, сигаретнинг бўш қутисидан бўлган 2 минг сўм, чўнтагидаги 900 сўм пуллари, нархи 600 сўм бўлган қизил ҳамда 450 сўмлик яшил ранг газмолларини, уларнинг орасидаги 400 сўм пулни, 26 сўмлик икки дона микрокассетани, 70 сўмлик жемперни ва бошқа нарсаларни босқинчиларча тортиб олиб қочишганлари маълум бўлди.

Район ички ишлар бўлимида мазкур жиноий ҳаракат бўйича дарҳол иш қўзғатилди. Биринчи амалий ишини бошлаган еш терговчи, милиция катта лейтенанти Муроджон Исмонов, хизмат вазифасини ниҳоятда зийраклик билан ўтаётган Давлат автомобил назорати йўл-патрул хизмати ходими, милиция кичик

сержанти Бобуржон Садиров, жиноят-қидирув тезкор вакили; милиция лейтенанти Баҳодир Тўлановлар ушбу жиноятни фош этишда фидокорона меҳнат қилдилар.

Уч жиноятчи йигитнинг икки нафари қилмишларига яраша жазоларини олиб, “муддат”ларини ўташмоқда. Учтинчиси эса қайлардадир писиб, яшириниб юрибди. Бечора ўзлигидан, виждони азобидан қочиб қайга бораркан? Милиция қидирувида бўлган бу йигит ҳам бир кун қелиб гуноҳи учун жазосини олади, албатта.

Шаҳрихонлик, муқаддам бир неча бор судланган Шамшиддин Омонов 31, Андижон шаҳрида яшаб келишган Мухтор Абдурахмонов, 30, Алишер Валиев эса 23 ешга кирган. Бироқ ҳаёт нашъасини, умр лаззатини тўғриликдан, ҳалол меҳнатдан излаш ўрнига ўзгалар жомадонидан, ўзгалар чўнтагидан қидириб, пировардида қаттиқ адашганликларини ўзлари ҳам билмай қолган кўринадилар. Акс ҳолда ҳар учови рўзгорларини эркаксиз, ожизаларини ғам-ташвишда қолдирмаган бўлишарди. Мухторнинг ёшига етмаган фарзанди, Алишернинг ҳали еруғ жаҳонни кўрмаган туғилажак чақалоғи узок вақт дадаларининг эркалатишларидан бебаҳра бўлишини ким хоҳлабди дейсиз?

Афсус, афсус...

Андижон шаҳар Кенгаши депутати уч гуноҳдор йигитнинг бирига авф сўрай туриб: “Келажақда ўз ўрнини топиб кетади ва ишончимизни оқлайди”, — деб езибди. Қанийди, гўр йигитлар ҳақиқатан ҳам гуноҳларини тушунган бўлсалар, умрларининг қолганини чиройли, мазмунли ўтказиш пайига тушсалар.

Бизнинг — ҳаммамизнинг умидимиз шу.

Р. КАРИМОВ.
Андижон райони ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари, милиция майори.

С. ҲАСАНОВ,
журналист.



СУРАТЛИ ХАБАР

Янгийул шаҳар ички ишлар бўлими тергов бўлимига бошлиғи, милиция капитани Шавкат Норбеков катта терговчи милиция катта лейтенанти Эркин Абдуллаевга жиноий ишларни ҳужжатлаштириш тўғрисида кўрсатма бермоқда.

— Ҳар ҳолда синчковлик ҳамда бамаслаҳат иш тутиш яхшида, — дейди Ш. Норбеков.

Суратни Ҳ. ШОДИЕВ тайёрлаган.

ЧОРШАНБА — 21 ОКТАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 Ҳаёт Одилов куйлайди. 7.45 "Сехрли тун". Бадий фильм. 9.00 "Ватанинг — онанг". Публицистик кўрсатув. 9.40 Турк тили. 10.10 "Ўлмас мерос". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё. Сульфат кислотаси ишлаб чиқариш.

18.00 Янгилар. 18.10 "Муми-Тролл ва комета". 2-фильм. "Уч ака ва аждаҳо". Мультфильмлар. 18.40 Болалар учун "Она шахрим". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Аёл ҳақида сўз". 19.50 Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон Шукуров куйлайди. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида. 21.30 "Тил байрами". Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинганлигининг 3 йиллигига. 22.20 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.50 "Меҳрибонгинам". Бадий фильм 2-серия. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.00 "Уолт Дисней таништирилади...". Мультфильмлар тўғрисида. 19.20 "Спринг". 19.40 "Ийрик планда". "Ўзбектеlevision" студияси фильмлари ҳақида. 20.25 "Халқ рассоми". Чингиз Аҳмадов таваллудининг 80 йиллигига. 21.10 "Суперспорт". 21.55 "02" тўлқинидан. 22.15 "Кизикарли учрашувлар".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Бойлар ҳам йилгайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.55 "Оддий ўлим...". Бадий фильм. 12.00 Янгилар.

КУНДУЗГИ КИНОЭКСПРЕСС

12.20 "Терак неча йил яшайди". Телевизион бадий фильм. 13.20 Бадий фильм.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист" 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Уолт Дисней таништирилади...". 17.05 "Рок-сабоқ". 17.50 "Тоғларда куз". Телефильм. 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Сиекат" студияси кўрсатади. 18.55 "Крешендо". Мусикий кўрсатув. 19.10 "Бойлар ҳам йилгайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.55 Большой театр балет артистларининг концерти. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Бир сўзи деб...". Мусикий кўрсатув. 21.55 Футбол. Европа чемпионларининг кубоги. МАСК — "Барселона" (Испания). 1 ва 2-таймлар. В. И. Ленин номи Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгилар. 00.35 "Денгиз альбому". 01.00 Футбол. Европа кубоклари.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ўзлонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Сиекат оламида. 9.50 Вариацияли мавзу. "Денгиз доим мавжланиб турган жойда". 10.30 "Дўстлар уйи". Мусавир Е. Орлов. 10.50 "Параллеллар". 11.10 Асл холича. 12.05 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм. 88-серия. 12.55 "Палех — ўтмишда, ҳозирги замонда, келажакда". 13.35 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00 Россия Конституцион суди залидан.

15.55 "Сигнал". 16.10 "Ўкинч сари қадам". 16.40 Мульти-пульти. "Ковок йиғиш кунда". 16.55 Янгилар. 17.10 Трансрессфир. "Ўзоқ Шарк". 17.55 Ўзлонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 "Мемнунне миллиардер". 18.30 Хабарлар. 18.45 Болалар даврасида. 18.50 "Қора денгиз". Хужжатли фильм. 19.30 Хабарлар. 19.50 "Сезам" кўчаси. 20.20 Концерт. 20.40 Хужжатли фильм. 21.10 Видеофильм. 22.00 Хабарлар. 22.20 "Умид таксиси". Видеофильм. 22.50 "Мусика оқшони".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

23.05 "Арт-обстрель". 00.05 "Фарс-мажор".

ПАЙШАНБА — 22 ОКТАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 Футбол. Уингохлардан дараклар. 7.35 "Хар кимдан гумонсировчи одам". Бадий фильм. 9.00 Араб тили. 9.30 Болалар учун "Олтин куз кўйликлари". 10.15 "Сўх дареси бўйлаб". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. XVI — XVIII асрларда Ўрта Осиенинг маданий ҳаёти.

18.00 Янгилар. 18.10 Потя ва



Потиха. Мультфильм. 18.20 "Ёшлик" студияси кўрсатади. "Муҳаббат ривжаси". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Эл фарзанда". Ш. Рашидов таваллудининг 75 йиллигига. 19.50 Мумтоз куйлардан концерт. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 "Фармон ва ижро". 21.30 "Сиз кутган дақиқалар. Ўзбекистон халқ артисти Ойдин Норбоева. 22.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 23.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ТОШКЕНТ" СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.00 "Ўзбекистон бастакорлари". 19.30 "Билим сарчасмалари". 20.00 "Пульс". Хабарлар. 20.10 "Бу оқшомда". 21.20 "Пульс". Хабарлар. 21.30 Ўзлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 "Бойлар ҳам йилгайди". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.05 Футбол. Европа кубоклари. 11.45 "Худди мушук билан кучукдек". Мультфильм.

12.00 Янгилар.

КУНДУЗГИ КИНОЭКСПРЕСС

12.20 "Серафима Глюкинанинг оддий кунлари ва байрамлари". Телевизион бадий фильм. 1-серия. 13.30 "Хар кимники ўзига". Телевизион бадий фильм (Италия).

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан).

15.25 "Телемист" 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Уолт Дисней таништирилади...". 17.05 "Кремлин" камер оркестрининг концерти (АҚШ). 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "...ешигача ва ундан катталар". 19.00 "Хар бир киши ўзи ҳақида". 19.10 Давлатлараро "Останкино" — телеканал таништирилади. "Осиё овози". Куй ва кўшиқлар III Халқаро танлови. Олмаотадан кўрсатилади. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.20 "Карамболина-Карамболетта". И. Кальман аперетталари мотивлари асосида телевизион мусикий фильм. 22.25 футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/8 финал. "Спартак" (Москва) — "Ливерпуль" (Англия). В. И. Ленин номи Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 00.15 Янгилар. 00.55 Факат катталар учун "100 С". Журналистик текширув.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ишбилармон кишилар даври. 8.50 "Чакана одам эмас". 9.15 "Хали англамаган коинот". 10.00 Ишдан бўш пайтингизда. "Хонаки клуб". 10.15 Театр сафари. "Ақдлийка балоси". Чехов номи Москва бадий академик театри премьераси. 11.15 Репортёр. "Қиролга мактуб". 11.30 "К-2" таништирилади. "Абзац". 12.00 Кундузги сеанс "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий фильм 89-серия. 12.50 "Космополис". 5-сон. 13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 Россия Конституцион суди залидан.

15.55 "Бардош билан...". 16.25 "Чегарасиз эфир". 16.35 "Бадабоки". Мактабгача ешдаги болалар учун кўрсатув (Франция). 16.55 Янгилар. 17.10 Трансрессфир. "Хусусийлаштириш панорамаси". 17.55 Ўзлонлар.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 Ўшлар. 18.30 Хабарлар. 18.45 "Ислом маданият едгорликлариди". 19.30 Хабарлар. 19.50 "Сезам" кўчаси. 20.20 Мусикали дастур. 21.20 "Катта опа". Видеофильм. 21.55 Манзарали фильм. 22.00 Хабарлар. 22.20 Спорт. 23.10 "Мангу гумбаз остида".

ЖУМА — 23 ОКТАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.25 "Аёл калби". Кинопрограмма. 8.05 "Эртақлар тарк этган дара". Бадий фильм. 9.25 Инглиз тили. 9.55 "Санъат усталари". Раҳим Исахўжаев. 10.55 "Ёшлик" студияси кўрсатади. "Нишона".

18.10 "Комариль". Мультфильм. 18.30 Шоирлар — болаларга. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).

19.20 "Заргар". Телефильм. 19.30 Фуркат лирикаси. Мусикий кўрсатув. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси — умумхалқ муҳокамасида. 21.30 "Хорманг, бободехқонлар!". Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 22.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиларлари (АҚШ). 22.45 "Фидойилар". Бадий фильм. 00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 "Пере-ботир ҳақида ривоят". Мультфильм. 18.15 "Байкем, Эжем жана биз". 18.40 "Ата-журт". Телеканал. 19.00 "Ало-Тоо". 19.20 "Ата-журт" (давоми). 20.55 "Назар" (билдирувлар ва эълонлар). 21.00 "Ала-Тоо". 21.20 "Айил кечтери".

"ОРБИТА IV"

6.00 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги 1/8 финал. "Спартак (Москва) — "Ливерпуль" (Англия). 2-тайм. 10.10 "...16 ешигача ва ундан катталар". 10.45 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.55 "Бор эканда, йўқ экан, асалари бўлган экан". "Учар юмронқозик". Мультфильмлар.

12.00 Янгилар.

КУНДУЗГИ КИНОЭКСПРЕСС

12.20 "Серафима Глюкинанинг оддий кунлари ва байрамлари". Телевизион бадий фильм. 2-серия. 13.35 "Визбор чўққиси" Телевизион бадий фильм.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 Бизнес-класс. 16.05 "Ён дафтар". 16.10 "Уолт Дисней таништирилади...". 17.00 А. Бараховский чалади (скрипка). 17.10 "Марказ". 17.50 "Технодром". Оригинал гоюлар ва фойдали майда-чуйда нарсалар ҳақида. 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Хар бир киши ўзи ҳақида". 18.45 "Келгиндилар миссияси". Мультфильм. 18.45 "Инсон ва қонун". 19.15 "Мўъжизалар майдони". Юбилей кўрсатуви. 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Детективлар клуби" да. Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Президентнинг ўғирланиши". Бадий фильм. (АҚШ). 23.10 Катталар учун мультфильмлар.

"ВИД" ТАНИШТИРАДИ:

23.30 "Сиесий бюро". 00.35 "Музобоз". 01.15 Авто-шоу. 01.30 "Х" кўрсатуви. 02.00 "MTV" Танафус пайтида янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Ўзлонлар. 8.25 Ишбилармон кишилар даври. 8.55 Ишдан давра. 9.50 Ишдан бўш пайтингизда. "Диккат, суваратга оламан". 10.05 Кипрас Мажейка. НАТОдан репортажлар. 10.35 "Импровизация". Юрий Касьяник театри. 10.55 "Хайвонот оламида". 11.55 Кундузги сеанс. "Санта-Барбара" Кўп серияли бадий фильм. 90-серия. 12.45 Оркестрдан туриб қараганда. "Дирижер А. Мелик-Пашаев". 13.30 Телевизион ахборот тижорат кўрсатуви. 13.35 "Дехқонларга тааллуқли масала". 13.55 Россия Конституцион суди залидан.

16.00 Телебиржа. 16.30 "Рост" студияси. "Хит-кундалик". 17.00 Янгилар. 17.15 "Мегаполис". 17.45 М-трест.

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.00 "Осиё тароналари". 18.30 Хабарлар. 18.45 Халқ рақслари. 19.00 "Урта Осиё". Хужжатли фильм.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.10 Жума кунлари Уолт Дисней. "Биг Фут". Бадий фильм. 2-серия. 20.00 Мульти-пульти. "Хутичка".

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.10 "Икки хонанда". 21.45 Видеофильм. 22.00 Хабарлар. 22.20 "Хафта сўнгиди". Дам олиш кўрсатуви.

ШАНБА — 24 ОКТАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум". 8.00 "Эх, қовбойлар!". Бадий фильм. 9.05 "Ўзбекистон спорти". 9.35 "Экология". Телевизион альманах. 10.15 Ҳамид Фулом. Шохид Шохмардонова. "Муҳаббат

навоси". Мусикий номли Ўзбек Давлат мусикий драма театрининг спектакли. 11.55 "Ёшлик" студияси кўрсатади. "Иш билганга — минг танга". 13.40 "Нури келажак сари". "Ўзбектеlevision" премьераси. 14.10 "Алифбо сабоқлари". 14.40 Ялла ва лапарлар. Ш. Парпиева, И. Жониева. 15.10 Тижорат канали. "Қаторда юринг бўлса"... Навоий вилоятидаги 34-юк ташиш автокорхонаси иш тажрибасидан. 15.40 Замандас (қозоқ тилида).

18.00 Баджаҳл Бамбр. Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. "Тенгдошлар". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Чемпион". "Ўзкинохроника" премьераси. 19.40 "Оламга саёхат". Кинокўрсатув. 20.30 "Туркистон" ахбороти. 21.00 "Ёшлик" студияси кўрсатади. "Ойдин кечалар". 22.00 "Санъат усталари". Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов. 23.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

"ОРБИТА IV"

6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 7.55 Янгилар. 8.30 "Спорт-имконият". 9.00 Марафон-15 — кичкинтойларга. 9.25 "НУЖ: эълон қилинмаган ташир". 9.55 "Саҳнанинг орқа томонидан. Табассум билан". 10.25 "Тиббиет сиз учун". 11.05 "Авиакосмик салон". 11.20 "Илҳом манбалари". Мусикий кўрсатув. 11.50 "Марказий экспресс". Марказий ва Шарқий Европа ҳақида телевизион журнал. 12.50 "Палитра". Коллекционерлар. 13.20 "Дело". 13.30 "Нур ва соялар". Қисқа метражли телевизион фильм премьераси ("Экран"). 13.50 "Дўстим Мартин". Мультфильм. 14.00 "Николай Казаконинг ушалмаган орзуси". Телевизион хужжатли фильм премьераси (Франция). 1-фильм. 15.00 Янгилар. 15.20 "Хайвонот оламида". 16.10 "Виртуал Москва" камер оркестри чалади.

16.35 "Енотлар". Кўп серияли мультфильм. 17.00 "Қизил квадрат". 17.40 "Аленканинг жўжаси". Мультфильм. 17.50 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. "Хибсхона". Бадий фильм (Одесса киностудияси). 19.00 Хоккей. Лига кубоги. "Спартак" — "Динамо (Москва)". Танафус пайтларида (19.35) — Хайрли тун, кичкинтойлар! (20.20) — Янгилар. 21.25 "КВН-92" Биринчи ярим финал учрашуви. "Америка кашф этилганлигининг 500 йиллиги". 23.25 Катталар учун мультфильмлар. 24.00 Янгилар. 00.35 Тунги канал.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар. 8.20 Хужжатли панорама. 9.15 Мульти-пульти. "Сув". 9.25 "03" кўрсатуви.

9.55 — 13.55

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ

"ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ "Интерспорт". "Бизнес мирас" (татар тилида). "Ҳамдўстлик" кўрсатуви. "Бернисаж". "Чисен" (корейс тилида). "Мерос". "Фан уфқлари".

9.55 — 13.55

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ "ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ "Интерспорт". "Бизнес мирас" (татар тилида). "Ҳамдўстлик" кўрсатуви. "Бернисаж". "Чисен" (корейс тилида). "Мерос". "Фан уфқлари".

13.55 — 16.10

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ "ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ "Умид" (уйғур тилида). "Ягона оилада" (қорақалпоқ тилида) "Рангинкамон" (тожик тилида). Ёш ҳаваскорлар концерти (қримтатар тилида). "Ўтмиш ва келажак".

16.10 — 18.00

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ "ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ "Умид" (уйғур тилида). "Ягона оилада" (қорақалпоқ тилида) "Рангинкамон" (тожик тилида). Ёш ҳаваскорлар концерти (қримтатар тилида). "Ўтмиш ва келажак".

18.00 — 20.00

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ "ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ "Умид" (уйғур тилида). "Ягона оилада" (қорақалпоқ тилида) "Рангинкамон" (тожик тилида). Ёш ҳаваскорлар концерти (қримтатар тилида). "Ўтмиш ва келажак".

20.00 — 22.00

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ "ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ "Умид" (уйғур тилида). "Ягона оилада" (қорақалпоқ тилида) "Рангинкамон" (тожик тилида). Ёш ҳаваскорлар концерти (қримтатар тилида). "Ўтмиш ва келажак".

22.00 — 24.00

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ "ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ "Умид" (уйғур тилида). "Ягона оилада" (қорақалпоқ тилида) "Рангинкамон" (тожик тилида). Ёш ҳаваскорлар концерти (қримтатар тилида). "Ўтмиш ва келажак".

24.00 — 26.00

ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ "ДЎСТЛИК" ВИДЕОКАНАЛИ "Умид" (уйғур тилида). "Ягона оилада" (қорақалпоқ тилида) "Рангинкамон" (тожик тилида). Ёш ҳаваскорлар концерти (қримтатар тилида). "Ўтмиш ва келажак".

лида). 19.20 "Қўқонди латиф едгорликлари". Телефильм. 19.30 "Хорманг, бободехқонлар!". Пахтакорлар учун дам олиш кўрсатуви. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. Финал. "Навбахор" (Наманган) — "Темирийўлчи" (Қўқон). Самарқанд шаҳридан ёзиб олинган. 22.30 "Петербурглик чиновник". Бадий фильм. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05 — 12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси намоиш этади. Программада: "Мезгилбектин мезгили", "Оспурум", "Тигиз пайт", "Ўзга сайёралик". Бадий фильм, мультфильм.

18.05 Кино оқшони. "Новинки" киноклубида меҳмонда: "Мультотека". "Кино янгиларлари", "Хужжатли фильмлар экрани", янги фильмлар таништирилади. 19.00 "Ала-Тоо". 19.20 Тасма. "Новинки" киноклубида меҳмонда: (давоми). Фильмни муаллифлар таништиришади, кинокалендарь: "Якин ўтмишни хотирлаб", "Қадр ортидаги учрашувлар", "Кино ўзи ҳақида хикоя қилади", "С. Чокморов", "Юбилей", "Мусикий сеанс" киноконцерти, янги фильмлар таништирилади, шунингдек, "Канизак Изаура" кўп серияли телевизион бадий фильм. 1-серия.

"ОРБИТА IV"

6.25 "Рухни чиниктириш". 7.25 "Олтин сочмалари". "Катюшлар соҳилга чиқди". Краснотардан кўрсатилади. 7.55 Янгилар. 8.30 "Спортлото" тиражи. 8.45 "Этик кийган мушук". Мультфильм. 9.05 "Эрта саҳарлаб". 9.45 "Олам дам олишда". 10.25 "Янтра, гармонь". Иваново шаҳрида фестивал. 11.25 "Юзлаштириш ёки одамхўр изидан". Телевизи

70 ЁШ МУБОРАК!

Муҳтарам
Абдуллаевич!

Тилла

Имонимиз комилки, мустақил Ўзбекистон Республикасида истефодаги милиция генерал-майори Тилла Абдуллаев ҳақида эшитмаган-билмаган кишилар кам топилса керак. Негаки Сиз узоқ йиллар давомида куч-ғайратингизни, билим ва маҳоратингизни халқимиз осойишталигини таъминлашга, уларнинг манфаатларини қонуний ҳимоя қилишга қаратдингиз. Қолаверса, юзлаб шогирдингизни шу буюк Ватанга ва шу улуг халққа садоқат руҳида тарбияладингизки, улар айна кунларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда Сизнинг сабоқларингизга асосланмоқдалар.

Азиз Тилла Абдуллаевич! Бугун табаррук 70 ёш оstonасида турибсиз. Сизни таваллуд топган кунингиз билан қизгин табриклаймиз, узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.



Юзингиздан табассум, қалбингиздан қувонч ва шодлик аримасин ҳеч қачон!

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ **ИЧКИ**
ИШЛАР **ВАЗИРЛИГИ**
ҲАЙЪАТИ ВА ФАХРИЙЛАР
КЕНГАШИ.

Армоним
бор

Мен 1939 йилдан 1955 йилгача ички ишлар идораларида ишладим. Хасталигим туфайли нафақага чиққач, қўриқлаш бўлимида хизматни давом эттирдим. Хуллас, ички ишларда ишлаган вақтим 47 йилни ташкил қилади. Оила аъзоларимизнинг 8 нафарини ҳамон милиция сафларида.

Ғаллаорол райони ИИБда участка вакили бўлиб хизмат қилаётган ўғлим Маннон Мираҳмедов 1987 йили иш

вақтида автомобил ҳалокати натижасида нобуд бўлди. Ўғлим милиция катта лейтенанти, “Милиция аълочилиси” эди.

Ушанда район раҳбарлари воқеа содир бўлган кучани Манноннинг номи билан атаймиш, дейишган, кейинчалик йиғилишда тасдиқлашганди. Бироқ шунча вақт ўтибдики, кўча номи ўзгармади. Бизларнинг фарзандимизнинг номи ўчмайдиган бўлди, деб қувонганларимиз бекор экан-да.

М. МАЛИКОВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Ушбу ахволга Жиззах вилояти Ғаллаорол райони ҳокими аниқлик киритар деб, умид қиламиз.

(Интермедиялар)

КОСА ТАГИДА НИМ КОСА...

Тунги сменадан келган Иноятхон ичкари уйда қотиб ухлаб ётган эрини бақириб уйготди.

ИНОЯТ: — Ҳой, дадаси тулинг, уйни ўғри урибди! Аянчли овоздан чўчиб уйғонган Дадахўжа аввал хотинига, сўнг тўс-тўполони чиқиб ётган уй ичига қараганча анграйиб қолди. Иноятхон бир ҳовлига чиқади, бир уйга кириб, фарёд солади. Бир пасда ҳовли кўни-кўшнларга тўлди. Дадахўжа эски шимини эгнига тортиб, оломон ёнига чикди.

Ноҳус воқеадан хабар топган кўни-кўшнлар ундан ҳол-аҳвол сўраган бўлишди. Шунда Али қассоб ёнига келиб сўради:

АЛИ ҚАССОБ: — Дадахўжа ака, бу милицияга хабар бердингизларми?

Дадахўжа боши билан “йўқ” жавобини қилди ва ток остидаги кроватга бориб бошини чангаллаганча ўтириб олди.

АЛИ ҚАССОБ: — Унда мен чиқиб, уйдан дарров “02”га қўнғироқ қилиб келаман.

Дадахўжа ўрнидан ток ургандек сакраб турди.

ДАДАХЎЖА: — Шошилманг, ука, ҳожати йўқ.

АЛИ ҚАССОБ: — Нега? Ўғрини ўзингиз

ушламоқчимисиз? Шунча йил йиққан мол-дунедан ажралиб ўтирманг тагин?

ДАДАХЎЖА: — Қўяверинг, бўлар иш бўлди. Энди йўқолган нарсалар топиладими-йўқми — бунинг аҳамияти йўқ!

Жамоа ичидан кимдир гап отди: — Барибир милиция чақириш керак.

АЛИ ҚАССОБ: — Жамоага қулоқ тутинг, қайсарлик қилманг Дадахўжа ака!

ДАДАХЎЖА (чўка тушиб): — Жон қўшнлар, агар менга озгина раҳмингиз келса, милицияга хабар берманглар.

Жамоа ҳайратдан ёқа ушлади. Али қассоб бир нима демоқчи бўлиб шайланганди, Иноят опа пиқирлаб тилга кирди:

ИНОЯТ: — Коса тагида ним коса бор, қўшнжонлар.

Дадахўжа акангиз яқинда шаҳардаги энг катта омборхоналарнинг бирига қоровул бўлиб ишга ўтганлар. Агар уйларини ўғри уриб шип-шийдан қип кетганини ишхонадагилар эшитиб қолишса, омборхонага Дадахўжа акангизни бошқа йўлатишмайди...

ХИЛВАТДАГИ ЎРИНДИҚ СИРИ

Хиёбон. Йигит билан қиз қўл ушлашиб боришяпти.

ЙИГИТ: — Мана ниҳоят сиз яхши кўрадиган анҳор бўйига етиб келдик.

ҚИЗ: — Ҳа, мен чиндан бу ерда сайр қилишни жуда-жуда хоҳлайман. Атрофга бир қараг-а! Қандай ажойиб.

Йигит атрофга боқади: чиндан ҳам бу сайргоҳ афсонавий, гўзал. Бир томонда мажнунтоғлар, анҳорда соч ювиб турибди. Иккинчи томонда — тип-тиник мрамардан кўтарилган ёдгорликлар. Ипак шабадасидан тан яйрайди.

ЙИГИТ: — Келинг, мана бу ўриндиққа ўтириб бироз тин олайлик.

ҚИЗ: — Қизиқ, ҳамма ўриндиқлар одамлар билан банд, бироқ бунисида ҳеч ким йўқ. Гўё бизга энг сўлим аргувон тагидаги ўриндиқни атайлаб қолдиришгандек. Бу-гун омадимиз келди, деб фарз қиламиз. Нега жим қолдингиз, ҳадеб нималарни ўйлаясиз?

ЙИГИТ: — Сизни, жоним! О, менинг меҳрибоним, азизим, гўзалим. Сиз учун ҳамма нарсаси тайёрман. Бир оғиз сўзингиз мен учун қонун, буюринг!

ҚИЗ: — Ростданми? Унда ҳув анави, нариги соҳилдаги гулли менга тақдим этинг.

ЙИГИТ: — Умуман мен бундан қийинроқ топшириқларни бажаришга қодирман. Мана ҳозир кўз очиб юмгунча ўша гулли муҳайё этаман. Мана ҳозир...

Йигит турмоқчи бўлди. Аммо турса қиради. Қиз ҳайратга тушади.

ҚИЗ: — Нега ўрингиздан турса қиради? Ёпишиб қолганмисиз?

ЙИГИТ: — Ҳа, жоним. Ҳеч қўрқманг, бу ерга битта мен эмас, сиз ҳам ёпишиб қолдингиз менимча.

ҚИЗ: — Мен сизни туппа-тузук маданиятли одам десам... мен... мен... кетдим.

ЙИГИТ: — Жоним, сиз ҳам ҳозир кетолмайсиз.

ҚИЗ: — Ия, бу нима деганингиз? Ҳаддингиздан ошманг, бўлмаса... Кўрасиз. Нега туролмаяпман? Нима бўлди ўзи?

ЙИГИТ: — Бу бўёқ, оддий бўёқ, биз ёпишиб қолибмиз.

ҚИЗ: — Войбўй бу қандай кўргулик, ўтираётганмизда кўзингиз қаёқда эди? Ана у ерда ўқлоқдек ҳарфлар билан “Эҳтиёт бўлинг, бўялган” деб ёзиб қўйилбди. Шунинг учун ҳам бу ерга ҳеч ким ўтирмаётган экан-да.

ЙИГИТ: — Сиз фақат бўлманг, бўёқ оз-моз қурий бошлабди. Ҳозир биз секин-секин ўрнимиздан турамыз. Бир, икки, ўрдик! Ана!

ҚИЗ: — Энди қўйлақдаги ёғли бўёқни қандай кетказаман? Ташлаб юборай десам, ҳозир битта қўйлақ ўзингиз биласиз, фалон пул туради. Қолаверса, ўша пулга қўйлақ топишининг ўзи бўлмайди.

ЙИГИТ: — Қўйлақдаги доғни кетказиш сиз ўйлаганчалик қийин иш эмас. Уйга бориб илиқроқ сув билан ювиб ташласангиз, доғ қолмайди. Мойли бўёқ дейишгани билан, унга ёғ солинмаган.

ҚИЗ: — Сиз бундан қаердан биласиз?

ЙИГИТ: — Нега билмас эканман, ахир мен мана шу бўёқ ишлаб чиқариладиган заводда муҳандис бўлиб ишлайман-ку. Ҳеч ташвишланманг. Бу шундай бўёқки, суртсангиз юқади, ювсангиз-чи, осонгина кетади!

Муроджон.

МУРОД ТИЛЛАЕВ

Сибирь билан
учрашув

Сибирь... Катта бир мамлакатнинг бир бўлаги. Ўтмишда бу ном эшитган ҳар қандай одамнинг юрагига даҳшат соларди. Эркин фикрли, исёнкор кишилар бадарга қилинадиган ўлка, деб тушунишарди одамлар. Бу ҳақда ҳам, андуҳ билан йўғрилган қўшиқлар яратилган:

Забайкалнинг чўллари бўйлаб,
Тилла қазиб олинган тоғдан.
Тақдирдан нолиб дайдилар,
Тўрва осиб юрарди доғда...

Ҳа, бу ерга қатагон қилинган жабрдийда кишиларнинг тақдирини шундай аянчли эди. Бу қўшиқда узоқ ўтмишнинг мунгли садолари мужассам.

Ўтмишда Сибирь мисоли бир кўзи очилмаган хазиналар ўлкаси эди. Жавахирлар сандигини очиб учун кураш бошланди. Дастлаб электростанциялар, йўллар қурилди. Сибирь хазиналарининг кўзи очилди: нефть, кўмир, олтин, олмос конлари ва бошқа фойдали қазилмаларни ишлаб чиқарадиган корхоналар барпо этилди. Ўтмишда дунёга “жаҳаннам” деб ном таратган, жазо ватани бўлган Сибирь бора-бора бахт ва бунёдкорлик ўлкасига айланди...

Ер шарида у ҳозир ўзининг бетакор манзаралари, ақл бовар қилмас бойликлари билан машҳурдир.

Урал тоғлари ва Урал дарёси бўйлаб Оврўпони Осиёдан ажратиб турадиган шартли чегара ўтган. Бу шартли чизиқ Сибирнинг поёнсиз кенгликлари ҳусини бузмайди. Унинг бағрида беҳисоб хазина ётибди. Лекин уларнинг кўп қисми ҳали тўла ўзлаштирилмаган.

Сибирь географик кенгликлари жиҳатдан

Осиёнинг шимолий қисмигача чўзилган бўлиб, Урал тоғларидан Тинч океани соҳилларигача туташиб кетган. Унинг бир томони Шимолий муз океанига, жанубий томони эса шимолий Қозоғистон, Мўғилистон ва Хитой Халқ Республикаси сарҳадлари билан елкадош.

Ҳа, Сибирь деганда биз ана шундай улкан ўлкани кўз ўнгимизга келтирамиз.

Географик жиҳатдан иқтисодий-ўрам зоналарининг бўлинишига кўра, Ғарбий ваа Шарқий Сибирдан ташкил топган. Ёкутистон эса Узоқ Шарқ ўлкасининг бир парчаси. Аммо баъзи мутахассислар Ёкутистонни Сибирнинг бир бўлаги, деб чалкаштиришади. Аслида эса ундай эмас.

Тахминан 10 миллион квадрат километрга чўзилган Сибирь майдони Россия ҳудудининг 45 фоизини ташкил этади. Тўғрироғи, Осиё қитъасининг деярли учдан бир қисмига баробардир.

Сибирь энг кўп ёқилги ва энергия манбалари, руда конлари, ёғочсозлик, чуқуқсув заҳиралари жиҳатидан Россия иқтисодиётининг қон томирлари тараққиёт барометри, дейиш мумкин.

Сибирнинг юзлаб катта-кичик дарёлари, ажойиб, тақдорланмас қўллари, 50 метргача бўй чўзган беҳисоб кедр дарахтлари, асрий қарағайлари, қайинлари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси бебаҳо бойлик.

Унинг мўйнали ҳайвонлари бутун дунёга машҳур. Сибирь қундузи, Шимол тулкиларининг мўйнаси жаҳон бозорида олтинга тенгдир. Тайгадаги бурун айиқларини, Узоқ Шарқнинг жануби-шарқий районларидаги Уссурай

Мамлакатлар, одамлар, оғатлар

йўлбарсларини айтмай қўяқолайлик.

Ўлканинг жўгрофий иқлим шароитлари ҳам ўзгача.

Сибирь майдони ниҳоятда кенг бўлганлиги туфайли унинг ҳудудларида иқлим шароити ҳам турличадир. Энг муҳими мўтадил иқлим: денгиздан йироқ ерларнинг ёзи қуруқ, иссиқ, қиши ўта совуқ

келади. Катта-кичик қишлоқлар худди эртақлардагидек оқ чойшабага бурканиб, тафтиз қуёш нурларида қимматбаҳо тош янглиг жилва қилади, оч яшил, бинафша, пушти рангга кириб товланади. Қуёш кўринмай кетадиган қиш кунларида эса қор мотамсиро, кул ранг тусга қиради...

Жанубий Сибирнинг иқлими Ўрта Осиё иқлимига анча яқин. Баҳор бир оз кеч бошланади. Лекин иссиқ ойларида деҳқончилик қилган ютади: узум, қовун, тарвуз, полиз-сабзавот пишиб етилади. Бироқ уларнинг таъми Ўзбекистон тупроғида етиштирилган шарбатга тўлган меваю-полиз ҳосилиниқидан тубдан фарқ қилади. Шираси озроқ-да. Кўпчилик сибирликлар парникларда помидор, картошка, қалампир сингари резавор экинлар етиштиришади. Бу услуб ҳозирги иқтисодий оғир шароитда анча оммалаштирилган.

Қуюқ бутазорлар, ботқоқликлар, қирадирилда гулларга бурканган далалар — Тайга!

Тундра ўрмонзорлари сирли бир олам! Бу ўрмонлар Тайгадаги ўрмонзорлардан тубдан фарқ қилади. Тундра ўрмонларидаги дарахтлар кичкина, ингичка, этик бўйидан сал баландроқ. Улар орасида юрганингизда ўзингизни Гулливердек ҳис этасиз. Қайиннинг энг юқори шохига ҳам бемалол қўл етгудек...

Паст бўйли Тундра ўрмонлари оралаб шимол томонга юрганинг сари бутазорлар сийраклашиб боради, катта-кичик қўлларга дуч келасан, киши, ўт-ўланлар оралаб бора-бора аллақандай дарёлар

ёнидан чиқасан.

Бу ернинг дарёлари — Россиядаги энг жўшқин, тезоқар, сершовқин дарёлар ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги Тайга ичкарисига олиб қирадиган ягона сув-транспорт йўлидир. Ёз ойларида бу дарёлар бўйлаб кема ва қайиқлар сузади. Қишда эса дарё юзини қалин муз қоплайди, устида автомобиль, аэроангли учиб юраверади.

Қишда дарёларнинг музлаши ҳам ўзига хос хусусиятга эга: бу ерда дарёлар асосан сувнинг қалин қатламлари остида музлашини кўпчилик билмайди. Чунки дарё остида абадий муз қатлами мавжуд бўлиб, кунлар исини билан суви кўпаяди, эски музликлар устини тоғлардан эриб тушган сувлар қоплайди. Ҳавонинг даражаси пасайиши билан эса дарёнинг совуқ қаъридаги сув яна музлай бошлайди. Дастлаб дарё юзасида муз бўлаклари қалқиб тобора кўпая боради. Сўнг дарё ўзани остини қоплаган совуқ бутлар ўзаро бирикиб, тезда унинг юзларида муз тоғлари пайдо бўлади. Шундай қилиб, бутун Тайга бўйлаб эрта кузданоқ қаҳратон кунлар бошланади. Кеча-қундуз осмон элагини элайди, қор бўронлари остида муз тоғлари юксала беради. Совуқ 50 даражага чиққанида бутун борлиқни қуюқ туман қоплайди, ҳатто, икки қадам наридаги одамни ҳам кўролмайсан.

Сибирнинг иқлими қизиқ: қиш қанчалик қаттиқ келса, ёз ойлари анча иссиқ бўлади. Қуёш саҳийлик қилади, олов пуркайди. Дарахтлар, майсалар иссиқда қақшагандай туюлади, ўрмонларни ҳар хил газанда ҳашаротлар қоплайди. Кечалари ўрмонда қолиб кетсанг борми, ҳўкизни чақса ўлдирадиган чивилларга ем бўлишинг ҳеч тап эмас. Шунга кўра юз-қўлларингизга махсус вазелинга ўхшаган дори суртиб ётмасанг аҳволингиз маймулар йиғлайди.

Сибирга бир пайтлари ёшлар юриш бошлади, унинг табиатида ўзгариш бошланди. Улар бу ўлканинг ўзига хос “уйин”ларига тезда ўрганиб қолишди. Эндилекда унинг қаҳратони ҳам, чивиллари ҳам сира таъсир этмайди. Сибирь уйғониш, тараққиёт палласига кирган. Бугунги Сибирда ёшлик нафаси, бунёдкорлик қалби жўш ураётир.

(Давоми бор).



ОБУНА-93

Айни пайтдаги жиноятчилик оламиш унга қарши кураш, оқошталлик посбонларининг ютуқ ҳамда камчиликлари, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасидаги энг янги маълумотлар билан мунтазам танишиб боришни хоҳлайсизми?

Эҳтимол детектив асарлардан намуналар ўқимоқчи, фан, маданият ва санъатда кўзга кўринган иқтидорли кишилар билан учрашмоқчидирсиз?

Балки корхона, ташкилот, муассасангиз имкони-ятлари-ю хизматларидан бошқаларни огоҳ этишни истарсиз?

МАРҲАМАТ,

«Постда»
«На посту»

газеталари эҳтиёжингизни қондиришда
Сизга энг яқин кўмакчи бўлади.
Бу нашрларга келгуси йил учун обуна баҳоси
— 312 сўм.

Индекслари — 64615 ва 64616.

ХАЙР, ФЕСТИВАЛЬ!

15 октябрь куни Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг XI халқаро кинофестивали ўз иштини тугаллади.

Бу дақиқалар шунчалик ранг-баранг, сермазмун, завқлики, газета саҳифаларида ҳис-ҳаяжонинг, ўйларининг тўла-тўқис изҳор этиш учун имкон йўқ. Ушбу улкан санъат байрами Мустақиллигимизнинг бир йиллиги байрамига ҳамоҳанг бўлиб кетиши билан қадрлидир.

Тошкент аҳли қадрли меҳмонларни шод-хуррамлик билан кутиб олди. Улар уч қитъа вакиллари — Австралия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Малайзия, Мўғилистон, Афғонистон, Бангладеш, Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Миср, Жазир, Марокаш, Аргентина, Бразилия, Куба, Колумбия ва бошқа мамлакатларнинг киноусталаридир.

Хорижий мамлакатлардан келган вакиллар, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан ташир буюрган санъаткорлар бу гал ҳам фестивал экранини беазаган турли-туман фильмларнинг гоёвий йўналиши, эстетик шакли ҳақида қизгин муҳоҳада юритдилар. Шунингдек, бу ерда фильмларнинг яратилиш тарихи ҳақида, у ёки бу миллий кинематографияларнинг бугуни ҳусусида, айрим киносанъаткорларнинг фаолияти тўғрисида қизиқарли савол-жавоблар бўлди.

Бу киноанжуманининг юқори даражада тартиб-интизом билан ўтиши учун Тошкент шаҳар ИИБ ДАН бошқармаси ходимлари 400 дан ортиқ транспорт воситаларини кўридан ўтказишди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари анжуманининг оқоштал таъминотида, аввалдан кўрилган чора-тадбирлар ўз натижасини берди. Киноанжуман давомида бирорта ҳам тартибни бузиш ҳоллари рўйхатга олинмади.

Фестиваль фильмлари Тошкентнинг турли кинотеатрларида кўрсатилиб борилади. Фестивалнинг бош ҳомийси — Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси уни кўриш учун хайрия билетларини таъсис этди. Бу билетларни район ҳокимиятлари аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилмаган табакчаларига тарқатди.

Республикамиз бағрида ўтказилган, ҳозирги кунда тарихга айланган бундан аввалги ўнта Халқаро кино-фестиваллар жаҳонга янги — янги буюк актёрларни танитди. Улар машҳур кино устаси Раж Капур, мисрлик сўз устаси Ал Ҳоминий, таниқли актриса Магда Камол, покистонлик машҳур актриса Самина Пирзода, япониялик Акира Камура ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бу йилги XI Халқаро киноанжумани ҳам ўз юлдузларини кашф этади, албатта.

Машҳур турк киноюлдузи Тюркан Шарай мана шундайлардан биридир.

— Тошкент киноанжумани катта сиёсий-ижтимоий воқеа, — дейди Тюркан Шарай. — У ижодий

ҳамкорлик, жаҳон халқлари санъати, маданияти ва ўзаро муносабатларини намойиш этувчи бир кўзгудир.

Туркияда машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг «Биринчи ўқитувчи», «Жамила», «Сарвиқомат дилбарим» асарлари экран-лаштирилиб, катта муваффақият қозонганини маълум қилмоқчиман. Муаллифнинг мана шундай асарларидан бири — «Қизил дуррача» суратга олинмишида фаол қатнашганимдан хурсандман. Мен режиссёр Атиф Йилмаз кўрсатмаларига амал қилдим, сценарийдаги эпизодларни чуқур ўргандим. Бундан кейин ҳам Айтматов асарларига бевосита мурожаат қилиш ниятим бор.

— Тошкент кинофестивали сизда қандай таассурот қолдирди.

— Бу анжуман аввалгиларига қараганда кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Аввало шунини айтиш керакки,



Тошкент фестивали жаҳон халқлари ўртасидаги Тинчлик, Дўстлик, Биродарлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди. Мамлакатлар актёрлари эса кино санъати сирларини бир-бирлари билан ўртоқлашади. Мен бошқалар қатори бу галги киноанжуманда ҳам қатнашганимдан бениҳоя хурсандман. Бу анжуман менинг иккинчи мактабим бўлиб қолади.

Фестивалнинг бош соврини — «Олтин Семурғ» «Споствуд» (Австралия) фильмига берилди. Кино санъатида миллий анъаналарни сақлаш учун бериладиган мукофот «Севги косаси» (Япония) фильмига насиб этди.

«Бенхаминлик аёл» (Мексика) фильми актёри Эдуардо Лопес Рохас энг яхши эркаклар роли ижроси учун «Олтин арча», «Биз яшайтган дунё» (Ҳиндистон) фильми орқали томошабинларни лол қолдирган Опарна Сен энг яхши аёллар роли ижроси учун «Олтин дола» мукофотларини олдилар. Энг талантли ёш режиссёрга бериладиган «Кумуш Семурғ»

мукофоти туркиялик Меҳмет Тангрисеварга «Сургул» фильми учун топширилди.

Раж Капур номидаги янги соврин «Хенна» фильмига (Ҳиндистон) берилди.

Бош ҳомий — Маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академиясининг совринига «Севги косаси» фильмининг режиссёри Кацуми Нисикова (Япония) сазовор бўлди.

Киноанжуманда қирққа яқин давлат вакиллари иштирок этдилар. Улкан форум қатнашчилари учрашувни бундан буюн уч қитъа фестивали эмас, умумжаҳон киноанжумани деб аташни ятидалар.

М. ТУРОБЖОНОВ.

Суратларда: Ўзбекистон меҳмонхонаси; Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари XI Тошкент Халқаро кинофестивали қатнашчиси, покистонлик машҳур актриса Самина Пирзода мухлислари даврасида.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ҲОДИСА Қотил қамалди

Шу йилнинг 26 сентябрь куни Фарғона шаҳар Бешбола микрорайонида истиқомат қилувчи А. Х. эрталабдан бошлаб спиртли ичимликлар ичиб, уйда жанжал бошлади. Жанжал шундай кучайиб кетдики, натижада у ўзининг рафиқасини миллий пичоқ билан бир неча бор уриб ўлдирди. Ёрдамга келган қайнонасининг умрига ҳам пичоқ билан зомин бўлди. Сиз нима қилиб қўйдингиз, деб унинг олдида келган қайноғасига эса тан жароҳати етказди.

Қотил жиноят содир қилган куни қамоққа олинди.

А. АҲМЕДОВ.

Тузатиш

Газетанинг 14 октябрь кунги сониди ички ишлар идораларига хизматга қабул қилиш ҳақидаги эълонда реклама берувчи томон айби билан хатога йўл қўйилган. Иккинчи устуннинг пастдан санаганда биринчи сўзбошиси «Агар улар сафларини тўлдиршни истасангиз, марҳамат, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ички ишлар бошқармаси 18-30 ешда бўлган (30 ешдан ошмаган), Тошкент шаҳрида турар-жойи ва пропискага эга фуқароларни ички ишлар идораларида доимий ишлашга таклиф қилади» деб ўқишли керак.

ЕТМИШ ҲУҶАР ОЗ

Миробод райони спорт-техника клубида доимо ёшлар гавжум. Негаки бу ерда улар ўзлари қизикқан касбни мукамал ўрганишлари мумкин.

Мазкур даргоҳда фаолият кўрсатаётган радиотехника, турли тоифали ҳайдовчиларни тайерлаш курсларини йилига юзлаб йигит ва қизлар битиришмоқда. Уларнинг орасида ИИБда хизмат қилаётганлари талайгина.

Таълимнинг кундузги ва кечки бўлимлари ташкил этилгани туфайли улар ишдан, ўқишдан ажралмаган ҳолда яна бир касб эгаси бўлишмоқда.

Мазкур спорт-техника клуби пойтахтимиздаги бошқа район клубларидан фарқли ўлароқ барча қулайликларга эга. Бу ерда ўқувчилар ихтиёрига кўргазмалар, ўқув қуроллари, эҳтиёт қисмлар, машқ автомашиналари ажратилгандир. Диафильмлар ва электр қурилмалар бевосита машгулотлар давомида қўлланиб, амалий билимлар билан уйғунлашган ҳолда олиб борилади.

Бугунги нарх-навонинг ошиши муносабати билан таълим учун белгиланган нарх ҳам сакрамоқда. Бироқ клуб бошлиғи Н. Ризаметов,

ўринбосари М. Султоновлар ўқитувчи ва йўриқчилар билан маслаҳатлашиб имкони борица уни хоҳловчиларнинг ҳамени кўтарадиган даражада бўлиши учун ҳаракат қилмоқдалар.

— Қайси кичикинтойдан «Ким бўласан?» деб сўрасангиз «ҳайдовчи», дейди. Ростини машина ҳайдашни билмайдиган йигит кам (бугунги кунда аёлларимиз ҳам қолишмаяпти). Айримлари яхшигина ўзлаштиришади. Лекин уларнинг билганларини изга солиш керак бўлади. Чунки ҳар нарсанинг ўз қолипи, чегараси, меъери бор. Биз улардаги билимларни мустаҳкамлашимиз, янада чуқурлаштиришимиз лозим, — дейди

машқ йўриқчиси Исроил Йўлдошев.

И. Йўлдошев олти йиллик иш фаолияти даврида неча юзлаб йигит ва қизларга машинани бошқариш, йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш сирларини ўргатиш билан бирга ҳаракат иштирокчиларини хоҳ у ул овда, хоҳ пиеда бўлсин, хурматлаш зарурлигини сингдиради.

Мазкур курсларни муваффақиятли битириб ички ишлар идораларида хизмат қилаётганлар талайгина.

М. ИБРОҲИМОВА.

Суратда: И. Йўлдошев машина рулини биринчи бор тутган Д. Аҳмедов билан.



ГУЛЧЕХРАНИ КЎРГАН
БОРМИ?

Тошкент вилоятининг Занғиота райони ички ишлар бўлими томонидан 1964 йилда туғилган, шу райондаги Хонобод кишлоқ Кенгаши, Иттифок кўчаси, 41-уйда яшаб келган Ангаева Гулчеҳра Илбосова қидирилмоқда.

У шу йил 27 август куни эрталаб соат 8 ларда, уйдан чиқиб кетганича қайтиб келмаган.

Ташқи кўриниши: ёши 28 да, бўйи 150-155 см, қотмадан келган, сочи сарғиматир, юзи чўзинчоқ, қоши ейсимон, бурни пучуқ, кўзи жигарранг.

Алоҳида белгилари: кўкрак қафасининг пастки ўрта қисмида чуқурчаси, кўрчак операциясидан қолган чандиқ бор.

Уст-боши: қизил атиргулли кўйлак, оёғига қизил, ялтироқ шиппақ кийиб олганди.

Мабода Гулчеҳра ҳақида бирор маълумотга эга бўлсангиз, «02» рақамини териб, энг яқин милиция идорасига хабар қилишингизни сўраймиз.

■ Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
■ Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очик эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
■ Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин.
Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти
«Шарқ» нашриёт-матбааچилик
концерни босмахонаси.
700083, Тошкент,
Ленинград
кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 54-37-91,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул
котиб — 59-26-56, муҳбирлар бўлими —
59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.
Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир ўринбосари
Раҳмонали ҚОСИМОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент, Г. Ло-
патин кўчаси, 1.